белгиланган тартибда аниқланади. Қишлоқ хўжалиги корхоналари балансида бўлган, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва сақлаш, шунингдек ипак қурти етиштиришда фойдаланиладиган бинолар ва иншоотлар жойлашган ерлар (бундан ижара ҳуқуқи асосида фойдаланилаётган ер участкаларида жойлашган ва имтиёзлар татбиқ этиладиган объектлар мустасно) учун солиқ халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари томонидан белгиланган солиқ ставкаларига нисбатан 0,2 коэффициент қўлланилган ҳолда тўланади. Ягона иштирокчилари ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмаларидан иборат бўлган ва ходимлар умумий сонининг камида 50 фоизини ногиронлиги бўлган шахслар ташкил этадиган ҳамда ногиронлиги бўлган шахсларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш фонди меҳнатга ҳақ тўлаш умумий фондининг камида 50 фоизини ташкил этадиган юридик шахслар томонидан эгалланган ер участкаларига нисбатан солиқ ставкаларига 0,1 коэффициент қўлланилади. Қуйидагилар эгаллаган ер участкалари учун солиқ ставкасига 0,48 коэффициент қўлланилади: электр узатиш линиялари, уларнинг подстанциялари ва иншоотлари эгаллаган ерлар;	белгиланган тартибда аниқланади. Қишлоқ хўжалиги корхоналари балансида бўлган, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва сақлаш, шунингдек ипак қурти етиштиришда фойдаланиладиган бинолар ва иншоотлар жойлашган ерлар (бундан ижара ҳуқуқи асосида фойдаланилаётган ер участкаларида жойлашган ва имтиёзлар татбиқ этиладиган объектлар мустасно) учун солиқ халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари томонидан белгиланган солиқ ставкаларига нисбатан 0,2 коэффициент қўлланилган ҳолда тўланади. Ягона иштирокчилари ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмаларидан иборат бўлган ва ходимлар умумий сонининг камида 50 фоизини ногиронлиги бўлган шахслар ташкил этадиган ҳамда ногиронлиги бўлган шахсларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш фонди меҳнатга ҳақ тўлаш умумий фондининг камида 50 фоизини ташкил этадиган юридик шахслар томонидан эгалланган ер участкаларига нисбатан солиқ ставкаларига 0,1 коэффициент қўлланилади. Қуйидагилар эгаллаган ер участкалари учун солиқ ставкасига 0,48 коэффициент қўлланилади: электр узатиш линиялари, уларнинг подстанциялари ва иншоотлари эгаллаган ерлар;

Старая редакция	Новая редакция
умумдавлат алоқа линиялари (ҳаво ва кабелли алоқа линиялари, тиргакли линиялар ва радиофикациялар, ер ости кабелли линиялари, уларни билдирувчи сигналли ва ҳаракатсиз белгилар, радиореле алоқа линиялари, кабелли телефон канализациялари, ер устидаги ва ер остидаги хизмат кўрсатилмайдиган кучайтиргич пунктлари, тақсимлагич шкафлар, ерга улаш контури қутилари ҳамда бошқа алоқа иншоотлари) эгаллаган ерлар; умумий фойдаланишдаги темир йўллар, шу жумладан тупроқ кўтармаси, сунъий иншоотлар, линия-йўл бинолари, темир йўл алоқаси ҳамда электр таъминоти қурилмалари, иншоотлар ва йўл қурилмаларидан иборат темир йўл станциялари ҳамда саралаш жойлари, шунингдек белгиланган тартибда темир йўл транспорти корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига доимий ёки вақтинчалик фойдаланишга берилган иҳота дарахтзорлари эгаллаган ерлар; магистрал нефть ва газ қувурлари, шу жумладан компрессор, насос станциялари, ёнғинга қарши ва аварияга қарши станциялар, қувурларни катодли ҳимоялаш станциялари уларни тармоққа улаш узеллари билан, қувурларни тозалаш қурилмалари ҳамда шунга ўхшаш иншоотлар банд этган ерлар;	умумдавлат алоқа линиялари (ҳаво ва кабелли алоқа линиялари, тиргакли линиялар ва радиофикациялар, ер ости кабелли линиялари, уларни билдирувчи сигналли ва ҳаракатсиз белгилар, радиореле алоқа линиялари, кабелли телефон канализациялари, ер устидаги ва ер остидаги хизмат кўрсатилмайдиган кучайтиргич пунктлари, тақсимлагич шкафлар, ерга улаш контури қутилари ҳамда бошқа алоқа иншоотлари) эгаллаган ерлар; умумий фойдаланишдаги темир йўллар, шу жумладан тупроқ кўтармаси, сунъий иншоотлар, линия-йўл бинолари, темир йўл алоқаси ҳамда электр таъминоти қурилмалари, иншоотлар ва йўл қурилмаларидан иборат темир йўл станциялари ҳамда саралаш жойлари, шунингдек белгиланган тартибда темир йўл транспорти корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига доимий ёки вақтинчалик фойдаланишга берилган иҳота дарахтзорлари эгаллаган ерлар; магистрал нефть ва газ қувурлари, шу жумладан компрессор, насос станциялари, ёнғинга қарши ва аварияга қарши станциялар, қувурларни катодли ҳимоялаш станциялари уларни тармоққа улаш узеллари билан, қувурларни тозалаш қурилмалари ҳамда шунга ўхшаш иншоотлар банд этган ерлар;

Старая редакция	Новая редакция
самолётларнинг учиш-қўниш майдонлари, ерда бошқариш йўлкалари ва тўхташ жойлари, фуқаро авиацияси аэропортларининг радионавигация ва электр ёритиш ускуналари эгаллаган ерлар; Ўзбекистон Республикасининг ривожлантириш Давлат дастурларига киритилган объектлар қурилиши учун ажратилган ерлар — қурилишнинг норматив муддати даврида; консервацияга қўйилиши тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилинган объектлар эгаллаган ерлар — уларнинг консервацияси даврида. Ушбу модданинг саккизинчи ва тўққизинчи қисмлари белгиланган тартибда юридик шахсларга ажратилган ер участкаларига нисбатан қўлланилади. Бунда ушбу модда тўққизинчи қисмининг иккинчи — бешинчи хатбошиларида назарда тутилган объектларга нисбатан республиканинг ҳар бир тумани ва шаҳари бўйича ўртача белгиланган солиқ ставкасига нисбатан 0,48 коэффициент қўлланилади. Ҳар бир туман ва шаҳар бўйича ўртача солиқ ставкаси қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ер участкаси жойлашган жойдаги солиқ органлари томонидан халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари белгилаган	самолётларнинг учиш-қўниш майдонлари, ерда бошқариш йўлкалари ва тўхташ жойлари, фуқаро авиацияси аэропортларининг радионавигация ва электр ёритиш ускуналари эгаллаган ерлар; Ўзбекистон Республикасининг ривожлантириш Давлат дастурларига киритилган объектлар қурилиши учун ажратилган ерлар — қурилишнинг норматив муддати даврида; консервацияга қўйилиши тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилинган объектлар эгаллаган ерлар — уларнинг консервацияси даврида. Ушбу модданинг саккизинчи ва тўққизинчи қисмлари белгиланган тартибда юридик шахсларга ажратилган ер участкаларига нисбатан қўлланилади. Бунда ушбу модда тўққизинчи қисмининг иккинчи — бешинчи хатбошиларида назарда тутилган объектларга нисбатан республиканинг ҳар бир тумани ва шаҳари бўйича ўртача белгиланган солиқ ставкасига нисбатан 0,48 коэффициент қўлланилади. Ҳар бир туман ва шаҳар бўйича ўртача солиқ ставкаси қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ер участкаси жойлашган жойдаги солиқ органлари томонидан халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари белгилаган

Старая редакция	Новая редакция
солиқ ставкалари асосида аниқланади ҳамда улар ҳар йили 5 январга қадар солиқ тўловчилар эътиборига етказилади. Ер участкаси мулкдорининг, ер эгасининг, ердан фойдаланувчининг ёки ижарачининг айби билан қишлоқ хўжалиги ерларининг сифати ёмонлашган (бонитет бали пасайган) тақдирда, солиқ юридик шахслар томонидан ернинг сифати ёмонлашгунига қадар мавжуд бўлган бонитент балидан келиб чиққан ҳолда тўланади. Қишлоқ хўжалиги ерларининг сифати яхшиланган тақдирда (бонитет бали ошганда), солиқ юридик шахслар томонидан тупроқ бонитировкаси ўтказилган йилдан кейинги йилнинг бошидан янги бонитет балидан келиб чиққан ҳолда, қишлоқ хўжалиги ерларининг норматив қиймати бўйича, агротехник тадбирлар тугаган даврларда қайта ҳисоб-китоб қилинмасдан тўланади. Қурилиши тугалланмаган объектлар эгаллаган ер участкалари учун, агар қонунчиликда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, солиқ икки баравар солиқ ставкалари бўйича тўланади, шунингдек қонунчиликда белгиланган солиқ имтиёзлари ва камайтирувчи коэффициентлар мазкур ер участкаларида қурилиш тугаллангунига қадар уларга нисбатан татбиқ этилмайди.	солиқ ставкалари асосида аниқланади ҳамда улар ҳар йили 5 январга қадар солиқ тўловчилар эътиборига етказилади. Ер участкаси мулкдорининг, ер эгасининг, ердан фойдаланувчининг ёки ижарачининг айби билан қишлоқ хўжалиги ерларининг сифати ёмонлашган (бонитет бали пасайган) тақдирда, солиқ юридик шахслар томонидан ернинг сифати ёмонлашгунига қадар мавжуд бўлган бонитент балидан келиб чиққан ҳолда тўланади. Қишлоқ хўжалиги ерларининг сифати яхшиланган тақдирда (бонитет бали ошганда), солиқ юридик шахслар томонидан тупроқ бонитировкаси ўтказилган йилдан кейинги йилнинг бошидан янги бонитет балидан келиб чиққан ҳолда, қишлоқ хўжалиги ерларининг норматив қиймати бўйича, агротехник тадбирлар тугаган даврларда қайта ҳисоб-китоб қилинмасдан тўланади. Қурилиши тугалланмаган объектлар эгаллаган ер участкалари учун, агар қонунчиликда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, солиқ икки баравар солиқ ставкалари бўйича тўланади, шунингдек қонунчиликда белгиланган солиқ имтиёзлари ва камайтирувчи коэффициентлар мазкур ер участкаларида қурилиш тугаллангунига қадар уларга нисбатан татбиқ этилмайди.

Старая редакция	Новая редакция
Тугалланмаган қурилиш объектлари жумласига ушбу қурилиш объектига доир лойиҳа-смета ҳужжатларида белгиланган норматив муддатда қурилиши тугалланмаган объектлар, агар қурилишнинг норматив муддати белгиланмаган бўлса, ушбу объектларнинг қурилишига ваколатли бўлган органнинг рухсатномаси олинган ойдан эътиборан йигирма тўрт ой ичида қурилиши тугалланмаган объектлар киради. Ер майдонларидан ҳужжатларсиз ёхуд ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатларда кўрсатилганидан каттароқ ҳажмда фойдаланилганда солиқ ставкаси белгиланган солиқ ставкаларининг тўрт баравари миқдорида белгиланади. Конлар ва карьерлар банд этган ерлар учун солиқ туманлар ва шаҳарлар халқ депутатлари Кенгашлари белгилаган солиқ ставкаларига нисбатан 0,1 коэффициент, лалми-яйлов зонада жойлашган ерлар учун эса — 0,05 коэффициент қўлланилган ҳолда тўланади. Лалми-яйлов зонада жойлашган ерлар учун солиқ туманлар ва шаҳарлар халқ депутатлари Кенгашлари белгилаган солиқ ставкаларига нисбатан 0,3 коэффициент қўлланилган ҳолда тўланади, бундан ушбу модданинг ўн еттинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар	Тугалланмаган қурилиш объектлари жумласига ушбу қурилиш объектига доир лойиҳа-смета ҳужжатларида белгиланган норматив муддатда қурилиши тугалланмаган объектлар, агар қурилишнинг норматив муддати белгиланмаган бўлса, ушбу объектларнинг қурилишига ваколатли бўлган органнинг рухсатномаси олинган ойдан эътиборан йигирма тўрт ой ичида қурилиши тугалланмаган объектлар киради. Ер майдонларидан ҳужжатларсиз ёхуд ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатларда кўрсатилганидан каттароқ ҳажмда фойдаланилганда солиқ ставкаси белгиланган солиқ ставкаларининг тўрт баравари миқдорида белгиланади. Конлар ва карьерлар банд этган ерлар учун солиқ туманлар ва шаҳарлар халқ депутатлари Кенгашлари белгилаган солиқ ставкаларига нисбатан 0,1 коэффициент, лалми-яйлов зонада жойлашган ерлар учун эса — 0,05 коэффициент қўлланилган ҳолда тўланади. Лалми-яйлов зонада жойлашган ерлар учун солиқ туманлар ва шаҳарлар халқ депутатлари Кенгашлари белгилаган солиқ ставкаларига нисбатан 0,3 коэффициент қўлланилган ҳолда тўланади, бундан ушбу модданинг ўн еттинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар

<table>
<tr><th>Старая редакция</th><th>Новая редакция</th></tr>
<tr><td>мустасно.</td><td>мустасно.</td></tr>
<tr><td>437-модда. Солиқ ставкалари.

Республика ҳудудлари кесимида базавий солиқ ставкалари 1 кв. м учун мутлақ ўлчамда қуйидаги миқдорларда белгиланади (бундан деҳқон хўжалигини юритиш учун, шунингдек жисмоний шахсларга берилган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкалари мустасно):
<table>
<tr><td>Республика ҳудудлари</td><td>1 кв. м учун базавий солиқ ставкаси (сўмда)</td></tr>
<tr><td>Тошкент шаҳри:

1 зона

2 зона

3 зона

4 зона

5 зона</td><td>

1 856

1 574

1 290

1 014

725</td></tr>
<tr><td>Қорақалпоғистон Республикаси</td><td>377</td></tr>
<tr><td>Андижон вилояти</td><td>463</td></tr>
<tr><td>Бухоро вилояти</td><td>377</td></tr>
<tr><td>Жиззах вилояти</td><td>377</td></tr>
<tr><td>Қашқадарё вилояти</td><td>377</td></tr>
<tr><td>Навоий вилояти</td><td>377</td></tr>
</table></td><td>437-модда. Солиқ ставкалари.

Республика ҳудудлари кесимида базавий солиқ ставкалари 1 кв. м учун мутлақ ўлчамда қуйидаги миқдорларда белгиланади (бундан деҳқон хўжалигини юритиш учун, шунингдек жисмоний шахсларга берилган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкалари мустасно):
<table>
<tr><td>Республика ҳудудлари</td><td>1 кв. м учун базавий солиқ ставкаси (сўмда)</td></tr>
<tr><td>Тошкент шаҳри:

1 зона

2 зона

3 зона

4 зона

5 зона</td><td>

1 856

1 574

1 290

1 014

725</td></tr>
<tr><td>Қорақалпоғистон Республикаси</td><td>377</td></tr>
<tr><td>Андижон вилояти</td><td>463</td></tr>
<tr><td>Бухоро вилояти</td><td>377</td></tr>
<tr><td>Жиззах вилояти</td><td>377</td></tr>
<tr><td>Қашқадарё вилояти</td><td>377</td></tr>
<tr><td>Навоий вилояти</td><td>377</td></tr>
</table></td></tr>
</table>

Старая редакция		Новая редакция	
Наманган вилояти	463	Наманган вилояти	463
Самарқанд вилояти	463	Самарқанд вилояти	463
Сурхондарё вилояти	353	Сурхондарё вилояти	353
Сирдарё вилояти	297	Сирдарё вилояти	297
Тошкент вилояти	392	Тошкент вилояти	392
Фарғона вилояти	392	Фарғона вилояти	392
Хоразм вилояти	377	Хоразм вилояти	377

Солиқ ставкаларини аниқ миқдори қуйидаги тартибда белгиланади:

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва вилоятлар халқ депутатлари Кенгашлари 0,5 дан 2,0 гача бўлган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентларни қўллаган ҳолда, ушбу модданинг биринчи қисмида белгиланган базавий солиқ ставкалари асосида қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун туман ва шаҳарлар кесимида уларнинг иқтисодий ривожланишига қараб, солиқ ставкаларини белгилайди;

туманлар ва шаҳарлар халқ депутатлари Кенгашлари ушбу модда иккинчи қисмининг иккинчи хатбошисида белгиланган солиқ ставкаларига Тошкент шаҳри учун эса — ушбу модданинг биринчи қисмида белгиланган базавий солиқ ставкаларига 0,7 дан 3,0 гача бўлган камайтирувчи ва оширувчи

Солиқ ставкаларини аниқ миқдори қуйидаги тартибда белгиланади:

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва вилоятлар халқ депутатлари Кенгашлари 0,5 дан 2,0 гача бўлган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентларни қўллаган ҳолда, ушбу модданинг биринчи қисмида белгиланган базавий солиқ ставкалари асосида қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун туман ва шаҳарлар кесимида уларнинг иқтисодий ривожланишига қараб, солиқ ставкаларини белгилайди;

туманлар ва шаҳарлар халқ депутатлари Кенгашлари ушбу модда иккинчи қисмининг иккинчи хатбошисида белгиланган солиқ ставкаларига Тошкент шаҳри учун эса — ушбу модданинг биринчи қисмида белгиланган базавий солиқ ставкаларига 0,7 дан 3,0 гача бўлган камайтирувчи ва оширувчи

Старая редакция	Новая редакция
коэффициентларни уларнинг ҳудудларида жойлашган даҳа, массив, маҳалла, кўча кесимида киритади.	коэффициентларни уларнинг ҳудудларида жойлашган даҳа, массив, маҳалла, кўча кесимида киритади.
Туманлар ва шаҳарлар халқ депутатлари Кенгашлари томонидан жорий солиқ даври учун солиқ ставкалари қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкалари жойлашган жойдаги солиқ органларига ҳар йили 10 январга қадар тақдим этилади.	Туманлар ва шаҳарлар халқ депутатлари Кенгашлари томонидан жорий солиқ даври учун солиқ ставкалари қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкалари жойлашган жойдаги солиқ органларига ҳар йили 10 январга қадар тақдим этилади.
Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар учун белгиланган ставкага нисбатан 0,5 дан 1,2 гача бўлган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар қўллашга ҳақли.	Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар учун белгиланган ставкага нисбатан 0,5 дан 1,2 гача бўлган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар қўллашга ҳақли.
Иссиқхона хўжаликлари эгаллаган ерлар учун солиқ қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларга нисбатан белгиланган ставкаларда тўланади. Бунда мазкур ер участкаларининг норматив қиймати қонунчиликда белгиланган тартибда аниқланади.	Иссиқхона хўжаликлари эгаллаган ерлар учун солиқ қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларга нисбатан белгиланган ставкаларда тўланади. Бунда мазкур ер участкаларининг норматив қиймати қонунчиликда белгиланган тартибда аниқланади.
Жисмоний шахсларга берилган, шунингдек деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларга солиқ ставкаси қишлоқ хўжалиги экинзорларининг норматив қийматига нисбатан 0,95 фоиз миқдорда белгиланади. Бунда	Жисмоний шахсларга берилган, шунингдек деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларга солиқ ставкаси қишлоқ хўжалиги экинзорларининг норматив қийматига нисбатан 0,95 фоиз миқдорда белгиланади. Бунда

Старая редакция	Новая редакция
қишлоқ хўжалиги ерларининг сифати ёмонлашганда ёки яхшиланганда (балл бонитети пасайганда ёки ошганда) қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларга эга бўлган деҳқон хўжаликларига ва жисмоний шахсларга нисбатан ушбу Кодекс 429-моддасининг **ўн иккинчи ва ўн учинчи** қисмларида назарда тутилган тартиб татбиқ этилади.	қишлоқ хўжалиги ерларининг сифати ёмонлашганда ёки яхшиланганда (балл бонитети пасайганда ёки ошганда) қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларга эга бўлган деҳқон хўжаликларига ва жисмоний шахсларга нисбатан ушбу Кодекс 429-моддасининг **ўн учинчи ва ўн тўртинчи** қисмларида назарда тутилган тартиб татбиқ этилади.
Тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиладиган ер участкалари учун ёхуд уйлар, дала ҳовли иморатлари, якка тартибдаги гаражлар ва бошқа иморатлар, иншоотлар юридик шахсга ёки якка тартибдаги тадбиркорга ижарага берилганда, шунингдек жисмоний шахсларнинг мулкида бўлган, яшаш учун мўлжалланмаган кўчмас мулк объектлари эгаллаган ер участкалари учун солиқ жисмоний шахслардан юридик шахслардан олинадиган ер солиғини тўлаш учун белгиланган солиқ ставкалари бўйича ундирилади ҳамда ушбу Кодекснинг 436-моддасида кўрсатилган имтиёзлар уларга нисбатан татбиқ этилмайди.	Тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиладиган ер участкалари учун ёхуд уйлар, дала ҳовли иморатлари, якка тартибдаги гаражлар ва бошқа иморатлар, иншоотлар юридик шахсга ёки якка тартибдаги тадбиркорга ижарага берилганда, шунингдек жисмоний шахсларнинг мулкида бўлган, яшаш учун мўлжалланмаган кўчмас мулк объектлари эгаллаган ер участкалари учун солиқ жисмоний шахслардан юридик шахслардан олинадиган ер солиғини тўлаш учун белгиланган солиқ ставкалари бўйича ундирилади ҳамда ушбу Кодекснинг 436-моддасида кўрсатилган имтиёзлар уларга нисбатан татбиқ этилмайди.
Жисмоний шахс ёки оилавий корхона ер участкасидан унда жойлашган уйда истиқомат қилиш билан бир вақтда товарлар ишлаб чиқариш (хизматлар кўрсатиш) учун фойдаланган тақдирда, солиқ жисмоний	Жисмоний шахс ёки оилавий корхона ер участкасидан унда жойлашган уйда истиқомат қилиш билан бир вақтда товарлар ишлаб чиқариш (хизматлар кўрсатиш) учун фойдаланган тақдирда, солиқ жисмоний

Старая редакция	Новая редакция
шахслар учун белгиланган солиқ ставкаси бўйича тўланади. Якка тартибда уй-жой қуриш ва турар жойни ободонлаштириш учун берилган ер участкаларининг томорқа қисмига қишлоқ хўжалиги экинларини экиш ёки уни ободонлаштириш амалга оширилмаган тақдирда солиқ уч баравар миқдорда тўланади. Ер участкаларидан ҳужжатларсиз ёхуд ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатларда кўрсатилганидан каттароқ ҳажмда фойдаланилганда, солиқ ставкаси белгиланган солиқ ставкаларининг уч баравари миқдорида белгиланади. Жисмоний шахсларга якка тартибдаги турар жой қуриш ва ободонлаштиришга берилган томорқа ер участкаларига якка тартибдаги уй-жой қуришга берилган ер участкалари учун белгиланган ставка қўлланилади.	шахслар учун белгиланган солиқ ставкаси бўйича тўланади. Якка тартибда уй-жой қуриш ва турар жойни ободонлаштириш учун берилган ер участкаларининг томорқа қисмига қишлоқ хўжалиги экинларини экиш ёки уни ободонлаштириш амалга оширилмаган тақдирда солиқ уч баравар миқдорда тўланади. Ер участкаларидан ҳужжатларсиз ёхуд ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатларда кўрсатилганидан каттароқ ҳажмда фойдаланилганда, солиқ ставкаси белгиланган солиқ ставкаларининг уч баравари миқдорида белгиланади. Жисмоний шахсларга якка тартибдаги турар жой қуриш ва ободонлаштиришга берилган томорқа ер участкаларига якка тартибдаги уй-жой қуришга берилган ер участкалари учун белгиланган ставка қўлланилади.
483-модда. Вақтинчалик солиқ имтиёзлари 2020 йил 1 октябргача бўлган давр учун фойда солиғини ҳисоблаб чиқаришда тижорат банклари	483-модда. Вақтинчалик солиқ имтиёзлари 2020 йил 1 октябргача бўлган давр учун фойда солиғини ҳисоблаб чиқаришда тижорат банклари

Старая редакция	Новая редакция
томонидан молиявий қийинчиликларга дуч келган юридик ва жисмоний шахсларнинг, шунингдек якка тартибдаги тадбиркорларнинг кредитлари бўйича тўловларни кечиктириш имконияти берилган даврда ҳисобланган ва кечиктирилган фоизлар суммаси жами даромад таркибига киритилмайди.	томонидан молиявий қийинчиликларга дуч келган юридик ва жисмоний шахсларнинг, шунингдек якка тартибдаги тадбиркорларнинг кредитлари бўйича тўловларни кечиктириш имконияти берилган даврда ҳисобланган ва кечиктирилган фоизлар суммаси жами даромад таркибига киритилмайди.
2020 йил 31 декабрга қадар бўлган даврда:	2020 йил 31 декабрга қадар бўлган даврда:
1) туроператорлар, турагентлар ва туризм соҳасида меҳмонхона хизматлари (жойлаштириш хизматлари) кўрсатувчи субъектлар, «Uzbekistan Airways» акциядорлик жамияти ва унинг таркибий бўлинмалари, «Uzbekistan Airports» акциядорлик жамияти ва унинг таркибига кирувчи масъулияти чекланган жамиятлар шаклидаги халқаро аэропортлар, шунингдек «Ўзаэронавигация маркази» давлат унитар корхонаси:	1) туроператорлар, турагентлар ва туризм соҳасида меҳмонхона хизматлари (жойлаштириш хизматлари) кўрсатувчи субъектлар, «Uzbekistan Airways» акциядорлик жамияти ва унинг таркибий бўлинмалари, «Uzbekistan Airports» акциядорлик жамияти ва унинг таркибига кирувчи масъулияти чекланган жамиятлар шаклидаги халқаро аэропортлар, шунингдек «Ўзаэронавигация маркази» давлат унитар корхонаси:
юридик шахсларнинг мол-мулкидан олинадиган солиқни ва юридик шахслардан олинадиган ер солиғини тўлашдан озод қилинади;	юридик шахсларнинг мол-мулкидан олинадиган солиқни ва юридик шахслардан олинадиган ер солиғини тўлашдан озод қилинади;
ижтимоий солиқни 1 фоиз миқдоридаги солиқ ставкаси бўйича тўлайди;	ижтимоий солиқни 1 фоиз миқдоридаги солиқ ставкаси бўйича тўлайди;
2) товарларни (хизматларни) реализация қилиш	2) товарларни (хизматларни) реализация қилиш

Старая редакция	Новая редакция
айланмаси ойига бир миллиард сўмдан ошмайдиган, электрон ҳисоб-фактураларни қўлловчи қўшилган қиймат солиғи солиқ тўловчилари қўшилган қиймат солиғини ҳар чораклик асосда, ушбу Кодекснинг 37-бобида белгиланган тартибда ҳисоблаб чиқаришга ва тўлашга ҳақли;	айланмаси ойига бир миллиард сўмдан ошмайдиган, электрон ҳисоб-фактураларни қўлловчи қўшилган қиймат солиғи солиқ тўловчилари қўшилган қиймат солиғини ҳар чораклик асосда, ушбу Кодекснинг 37-бобида белгиланган тартибда ҳисоблаб чиқаришга ва тўлашга ҳақли;
3) фойда солиғини ҳамда айланмадан олинадиган солиқни ҳисоблаб чиқаришда жами даромад таркибига ушбу Кодекс 299-моддасининг тўртинчи қисмида кўрсатилган даромадлар киритилмайди;	3) фойда солиғини ҳамда айланмадан олинадиган солиқни ҳисоблаб чиқаришда жами даромад таркибига ушбу Кодекс 299-моддасининг тўртинчи қисмида кўрсатилган даромадлар киритилмайди;
4) қатъий белгиланган миқдорда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини ва ижтимоий солиқни ҳисоблашни ҳамда тўлашни ушбу Кодекснинг 408-моддасида кўрсатилган, карантин тадбирлари даврида ўз фаолиятини мажбурий тарзда тўхтатиб турган солиқ тўловчиларга нисбатан тўхтатиб туриш фаолиятни амалга ошириш жойидаги солиқ органларига солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали электрон ҳужжат тарзида юбориладиган фаолиятнинг вақтинчалик тўхтатиб турилиши тўғрисидаги билдириш асосида амалга оширилади.	4) қатъий белгиланган миқдорда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини ва ижтимоий солиқни ҳисоблашни ҳамда тўлашни ушбу Кодекснинг 408-моддасида кўрсатилган, карантин тадбирлари даврида ўз фаолиятини мажбурий тарзда тўхтатиб турган солиқ тўловчиларга нисбатан тўхтатиб туриш фаолиятни амалга ошириш жойидаги солиқ органларига солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали электрон ҳужжат тарзида юбориладиган фаолиятнинг вақтинчалик тўхтатиб турилиши тўғрисидаги билдириш асосида амалга оширилади.
Солиқ тўловчи фаолияти тикланган тақдирда фаолиятни амалга ошириш бошлангунига қадар бу	Солиқ тўловчи фаолияти тикланган тақдирда фаолиятни амалга ошириш бошлангунига қадар бу

Старая редакция	Новая редакция
ҳақида фаолиятни амалга ошириш жойидаги солиқ органларини шунга ўхшаш тартибда хабардор қилиши шарт;	ҳақида фаолиятни амалга ошириш жойидаги солиқ органларини шунга ўхшаш тартибда хабардор қилиши шарт;
5) коронавирус инфекциясига қарши курашиш бўйича тиббиёт ва карантин объектларини қуриш ҳамда уларнинг фаолият кўрсатиши учун зарур бўлган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган қурилиш материаллари ва бошқа товарлар қўшилган қиймат солиғини ва акциз солиғини тўлашдан озод этилади;	5) коронавирус инфекциясига қарши курашиш бўйича тиббиёт ва карантин объектларини қуриш ҳамда уларнинг фаолият кўрсатиши учун зарур бўлган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган қурилиш материаллари ва бошқа товарлар қўшилган қиймат солиғини ва акциз солиғини тўлашдан озод этилади;
6) ушбу Кодекс 415-моддасининг учинчи қисмида, 422-моддасининг олтинчи қисмида, 429-моддасининг ўн **иккинчи** қисмида ва 437-моддасининг олтинчи қисмида назарда тутилган, шу жумладан 2020 йил 1 апрелга қадар аниқланган объектларга нисбатан қонун ҳужжатларида белгиланган мол-мулк солиғи ва ер солиғи бўйича оширилган солиқ ставкалари, шунингдек улар бўйича пеня ҳисоблаш ва қарздорликни мажбурий ундириш чоралари қўлланмайди.	6) ушбу Кодекс 415-моддасининг учинчи қисмида, 422-моддасининг олтинчи қисмида, 429-моддасининг ўн **учинчи** қисмида ва 437-моддасининг олтинчи қисмида назарда тутилган, шу жумладан 2020 йил 1 апрелга қадар аниқланган объектларга нисбатан қонун ҳужжатларида белгиланган мол-мулк солиғи ва ер солиғи бўйича оширилган солиқ ставкалари, шунингдек улар бўйича пеня ҳисоблаш ва қарздорликни мажбурий ундириш чоралари қўлланмайди.
2021 йил 1 майдан 2022 йил 31 декабрга қадар бўлган даврда қуйидагилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинади:	2021 йил 1 майдан 2022 йил 31 декабрга қадар бўлган даврда қуйидагилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинади:
Ўзбекистон Республикаси ҳудудига ўсимлик ёғи,	Ўзбекистон Республикаси ҳудудига ўсимлик ёғи,

Старая редакция	Новая редакция
кунгабоқар ва зиғир уруғи, шунингдек соя данагини олиб кириш;	кунгабоқар ва зиғир уруғи, шунингдек соя данагини олиб кириш;
ўсимлик ёғини (пахта ёғидан ташқари) ишлаб чиқариш ва (ёки) реализация қилиш бўйича айланма.	ўсимлик ёғини (пахта ёғидан ташқари) ишлаб чиқариш ва (ёки) реализация қилиш бўйича айланма.
2022 йил 1 январга қадар бўлган даврда 2020 йил 31 декабрдаги ҳолатга кўра солиқ қарзини мажбурий равишда ундириш, шунингдек қуйидагилар бўйича пеня ҳисоблаш чоралари кўрилмайди:	2022 йил 1 январга қадар бўлган даврда 2020 йил 31 декабрдаги ҳолатга кўра солиқ қарзини мажбурий равишда ундириш, шунингдек қуйидагилар бўйича пеня ҳисоблаш чоралари кўрилмайди:
фаолиятни туризм, транспорт ва умумий овқатланиш соҳасида амалга ошираётган тадбиркорлик субъектлари учун юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ва юридик шахслардан олинадиган ер солиғи бўйича;	фаолиятни туризм, транспорт ва умумий овқатланиш соҳасида амалга ошираётган тадбиркорлик субъектлари учун юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ва юридик шахслардан олинадиган ер солиғи бўйича;
2020 йилда ҳисобланган ва вақтинча қийинчиликлар муносабати билан юридик шахслар томонидан тўланмаган юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ва юридик шахслардан олинадиган ер солиғи бўйича;	2020 йилда ҳисобланган ва вақтинча қийинчиликлар муносабати билан юридик шахслар томонидан тўланмаган юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ва юридик шахслардан олинадиган ер солиғи бўйича;
2020 йил 15 майдаги ҳолатга кўра қарздорлиги мавжуд бўлган микрофирмалар ва кичик корхоналарга солиқлар, пенялар ва солиқ тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун ҳисобланган жарималар бўйича.	2020 йил 15 майдаги ҳолатга кўра қарздорлиги мавжуд бўлган микрофирмалар ва кичик корхоналарга солиқлар, пенялар ва солиқ тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун ҳисобланган жарималар бўйича.

Старая редакция	Новая редакция
2021 йил 31 декабргача бўлган давр учун туроператорлар, турагентлар ва туризм соҳасида меҳмонхона хизматлари (жойлаштириш хизматлари) кўрсатувчи тадбиркорлик субъектлари:	2021 йил 31 декабргача бўлган давр учун туроператорлар, турагентлар ва туризм соҳасида меҳмонхона хизматлари (жойлаштириш хизматлари) кўрсатувчи тадбиркорлик субъектлари:
фойда солиғини белгиланган солиқ ставкаларига нисбатан 50 фоиз камайтирилган солиқ ставкалари бўйича тўлайди;	фойда солиғини белгиланган солиқ ставкаларига нисбатан 50 фоиз камайтирилган солиқ ставкалари бўйича тўлайди;
ижтимоий солиқни 1 фоиз миқдоридаги солиқ ставкаси бўйича тўлайди;	ижтимоий солиқни 1 фоиз миқдоридаги солиқ ставкаси бўйича тўлайди;
юридик шахсларнинг мол-мулкидан олинадиган солиқни ва юридик шахслардан олинадиган ер солиғини тўлашдан озод қилинади.	юридик шахсларнинг мол-мулкидан олинадиган солиқни ва юридик шахслардан олинадиган ер солиғини тўлашдан озод қилинади.
Қуйидагилар мол-мулк солиғини, ер солиғини, айланмадан олинадиган солиқни тўлашдан, якка тартибдаги тадбиркорлар учун жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг қатъий белгиланган суммаларини тўлашдан озод қилинади:	Қуйидагилар мол-мулк солиғини, ер солиғини, айланмадан олинадиган солиқни тўлашдан, якка тартибдаги тадбиркорлар учун жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг қатъий белгиланган суммаларини тўлашдан озод қилинади:
Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорида Қорақалпоғистон Республикасининг ҳар бир шаҳари ва тумани учун «ўсиш нуқтаси» деб белгиланган фаолият турларини амалга ошираётган янгидан ташкил этилган тадбиркорлик субъектлари — 2024 йил 1	Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорида Қорақалпоғистон Республикасининг ҳар бир шаҳари ва тумани учун «ўсиш нуқтаси» деб белгиланган фаолият турларини амалга ошираётган янгидан ташкил этилган тадбиркорлик субъектлари — 2024 йил 1

Старая редакция	Новая редакция
январга қадар бўлган муддатга; Қорақалпоғистон Республикасининг Тахтакўпир, Бўзатов ва Шуманай туманларида жойлашган, янгидан ташкил этилган саноат соҳасидаги тадбиркорлик субъектлари — 2024 йил 1 январга қадар бўлган муддатга. Солиқ тўловчиларнинг мазкур тоифаси фойда солиғини ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни белгиланган солиқ ставкасидан 50 фоиз пасайтирилган солиқ ставкалари бўйича тўлайди; Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан аниқланган рўйхат бўйича Қорақалпоғистон Республикасида хизматлар кўрсатишга ихтисослаштирилган ва оғир шароитлардаги 45 та маҳалла ва овулларда жойлашган, янгидан ташкил этилган тадбиркорлик субъектлари — 2026 йил 1 январга қадар бўлган муддатга. Тадбиркорлик субъектларининг мазкур тоифаси фойда солиғидан ҳам озод қилинади. 2024 йил 1 сентябрдан 2027 йил 1 сентябрга қадар бўлган даврда: «Ҳунарманд» уюшмасининг аъзолари учун белгиланган солиқ имтиёзлари заргарлик буюмларини ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган ва	январга қадар бўлган муддатга; Қорақалпоғистон Республикасининг Тахтакўпир, Бўзатов ва Шуманай туманларида жойлашган, янгидан ташкил этилган саноат соҳасидаги тадбиркорлик субъектлари — 2024 йил 1 январга қадар бўлган муддатга. Солиқ тўловчиларнинг мазкур тоифаси фойда солиғини ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни белгиланган солиқ ставкасидан 50 фоиз пасайтирилган солиқ ставкалари бўйича тўлайди; Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан аниқланган рўйхат бўйича Қорақалпоғистон Республикасида хизматлар кўрсатишга ихтисослаштирилган ва оғир шароитлардаги 45 та маҳалла ва овулларда жойлашган, янгидан ташкил этилган тадбиркорлик субъектлари — 2026 йил 1 январга қадар бўлган муддатга. Тадбиркорлик субъектларининг мазкур тоифаси фойда солиғидан ҳам озод қилинади. 2024 йил 1 сентябрдан 2027 йил 1 сентябрга қадар бўлган даврда: «Ҳунарманд» уюшмасининг аъзолари учун белгиланган солиқ имтиёзлари заргарлик буюмларини ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган ва

Старая редакция	Новая редакция
«Ўзбекзаргарсаноати» уюшмасининг аъзолари бўлган якка тартибдаги тадбиркорларга нисбатан ҳам татбиқ этилади;	«Ўзбекзаргарсаноати» уюшмасининг аъзолари бўлган якка тартибдаги тадбиркорларга нисбатан ҳам татбиқ этилади;
заргарлик буюмларини ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган ва «Ўзбекзаргарсаноати» уюшмасининг аъзолари бўлган тадбиркорлик субъектларининг ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган кўчмас мулк объектлари ҳамда ер участкалари мол-мулк солиғидан ва ер солиғидан озод этилади.	заргарлик буюмларини ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган ва «Ўзбекзаргарсаноати» уюшмасининг аъзолари бўлган тадбиркорлик субъектларининг ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган кўчмас мулк объектлари ҳамда ер участкалари мол-мулк солиғидан ва ер солиғидан озод этилади.
Оролбўйида инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси учун белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатлар бўйича Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган Ўзбекистон Республикасида ўхшаши ишлаб чиқарилмайдиган илмий-лаборатория асбоб-ускунаси, реагентлар ва сарфлаш материаллари 2024 йил 1 январга қадар бўлган давр учун қўшилган қиймат солиғини тўлашдан озод этилади.	Оролбўйида инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси учун белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатлар бўйича Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган Ўзбекистон Республикасида ўхшаши ишлаб чиқарилмайдиган илмий-лаборатория асбоб-ускунаси, реагентлар ва сарфлаш материаллари 2024 йил 1 январга қадар бўлган давр учун қўшилган қиймат солиғини тўлашдан озод этилади.
2021 йилнинг 10 октябридан 2022 йил 30 апрелга қадар бўлган даврда товуқ гўштини, музлатилган балиқни ва тирик паррандани, 2021 йил 10 октябрдан 2022 йил 31 декабрга қадар бўлган даврда эса гўштни (мол гўштини, қўй гўштини), тирик ҳайвонларни (молни	2021 йилнинг 10 октябридан 2022 йил 30 апрелга қадар бўлган даврда товуқ гўштини, музлатилган балиқни ва тирик паррандани, 2021 йил 10 октябрдан 2022 йил 31 декабрга қадар бўлган даврда эса гўштни (мол гўштини, қўй гўштини), тирик ҳайвонларни (молни

Старая редакция	Новая редакция
ва қўйни) ҳамда уларни сўйишдан олинган маҳсулотларни, картошкани реализация қилиш бўйича айланма, шунингдек уларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш қўшилган қиймат солиғидан озод қилинади.	ва қўйни) ҳамда уларни сўйишдан олинган маҳсулотларни, картошкани реализация қилиш бўйича айланма, шунингдек уларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш қўшилган қиймат солиғидан озод қилинади.
2021 йил 1 сентябрдан 2021 йил 31 декабрга қадар бўлган даврда умумий овқатланиш корхоналари юридик шахслардан олинадиган ер солиғини ва юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни тўлашдан озод этилади.	2021 йил 1 сентябрдан 2021 йил 31 декабрга қадар бўлган даврда умумий овқатланиш корхоналари юридик шахслардан олинадиган ер солиғини ва юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни тўлашдан озод этилади.
Республика туманларида (бундан Тошкент шаҳри мустасно) фаолиятни амалга оширувчи якка тартибдаги тадбиркорлар учун белгиланган ижтимоий солиқ ставкаси 2022 йил 1 январдан 2023 йил 1 январга қадар базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизи миқдорида қўлланилади.	Республика туманларида (бундан Тошкент шаҳри мустасно) фаолиятни амалга оширувчи якка тартибдаги тадбиркорлар учун белгиланган ижтимоий солиқ ставкаси 2022 йил 1 январдан 2023 йил 1 январга қадар базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизи миқдорида қўлланилади.
Сурхондарё вилоятининг Бандихон, Қизириқ, Музработ, Шеробод туманларида, тоғли ҳудудларида ва ер майдонлари шўрланган ҳудудларида давлат рўйхатидан ўтиб, янгидан ташкил этилган ва ушбу туманларда (ҳудудларда) ўз фаолиятини амалга ошираётган тадбиркорлик субъектлари (бундан кластерлар мустасно) юридик шахслардан олинадиган ер	Сурхондарё вилоятининг Бандихон, Қизириқ, Музработ, Шеробод туманларида, тоғли ҳудудларида ва ер майдонлари шўрланган ҳудудларида давлат рўйхатидан ўтиб, янгидан ташкил этилган ва ушбу туманларда (ҳудудларда) ўз фаолиятини амалга ошираётган тадбиркорлик субъектлари (бундан кластерлар мустасно) юридик шахслардан олинадиган ер

Старая редакция	Новая редакция
солиғини, юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни, айланмадан олинадиган солиқни, якка тартибдаги тадбиркорлар учун жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг қатъий белгиланган суммасини тўлашдан 2024 йил 1 январга қадар бўлган даврда озод қилинади.	солиғини, юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни, айланмадан олинадиган солиқни, якка тартибдаги тадбиркорлар учун жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг қатъий белгиланган суммасини тўлашдан 2024 йил 1 январга қадар бўлган даврда озод қилинади.
Сурхондарё вилоятининг тоғли ҳудудларида ва ер майдонлари шўрланган ҳудудларида давлат рўйхатидан ўтиб, янгидан ташкил этилган ва ушбу ҳудудларда ўз фаолиятини амалга ошираётган тадбиркорлик субъектлари (бундан кластерлар мустасно) 2021 йил 10 сентябрдан 2024 йил 1 январга қадар бўлган даврда фойда солиғини белгиланган солиқ ставкаларига нисбатан 50 фоиз камайтирилган солиқ ставкалари бўйича тўлайди.	Сурхондарё вилоятининг тоғли ҳудудларида ва ер майдонлари шўрланган ҳудудларида давлат рўйхатидан ўтиб, янгидан ташкил этилган ва ушбу ҳудудларда ўз фаолиятини амалга ошираётган тадбиркорлик субъектлари (бундан кластерлар мустасно) 2021 йил 10 сентябрдан 2024 йил 1 январга қадар бўлган даврда фойда солиғини белгиланган солиқ ставкаларига нисбатан 50 фоиз камайтирилган солиқ ставкалари бўйича тўлайди.
Ушбу модданинг ўн иккинчи ва ўн учинчи қисмларида кўрсатилган тоғли ҳудудларнинг ҳамда ер майдонлари шўрланган ҳудудларнинг рўйхати халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгаши томонидан тасдиқланади.	Ушбу модданинг ўн иккинчи ва ўн учинчи қисмларида кўрсатилган тоғли ҳудудларнинг ҳамда ер майдонлари шўрланган ҳудудларнинг рўйхати халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгаши томонидан тасдиқланади.
Сирдарё вилоятининг Сардоба, Оқолтин ва Мирзаобод туманларида фавқулодда ҳодиса оқибатида зарар кўрган балиқчилик, чорвачилик ҳамда	Сирдарё вилоятининг Сардоба, Оқолтин ва Мирзаобод туманларида фавқулодда ҳодиса оқибатида зарар кўрган балиқчилик, чорвачилик ҳамда

Старая редакция	Новая редакция
паррандачилик хўжаликлари юридик шахслардан олинадиган ер солиғини ва юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни тўлашдан 2020 йил 1 майдан 2022 йил 1 ноябрга қадар озод қилинади. Бунда зарар кўрган балиқчилик, чорвачилик ва паррандачилик хўжаликларининг рўйхати халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгаши томонидан тасдиқланади.	паррандачилик хўжаликлари юридик шахслардан олинадиган ер солиғини ва юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни тўлашдан 2020 йил 1 майдан 2022 йил 1 ноябрга қадар озод қилинади. Бунда зарар кўрган балиқчилик, чорвачилик ва паррандачилик хўжаликларининг рўйхати халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгаши томонидан тасдиқланади.
2022 йил 1 январдан 2031 йил 1 январга қадар бўлган даврда Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ туманидаги маҳаллий саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизматлар соҳаларидаги тадбиркорлик субъектлари:	2022 йил 1 январдан 2031 йил 1 январга қадар бўлган даврда Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ туманидаги маҳаллий саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизматлар соҳаларидаги тадбиркорлик субъектлари:
фойда солиғини, айланмадан олинадиган солиқни, ижтимоий солиқни ва жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини 1 фоиз миқдоридаги солиқ ставкалари бўйича тўлайди;	фойда солиғини, айланмадан олинадиган солиқни, ижтимоий солиқни ва жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини 1 фоиз миқдоридаги солиқ ставкалари бўйича тўлайди;
юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни, юридик шахслардан олинадиган ер солиғини ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни мазкур солиқлар бўйича ҳисобланган сумманинг 1 фоизи миқдоридаги солиқ ставкалари бўйича тўлайди.	юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни, юридик шахслардан олинадиган ер солиғини ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни мазкур солиқлар бўйича ҳисобланган сумманинг 1 фоизи миқдоридаги солиқ ставкалари бўйича тўлайди.
Бўялган матони, бўялган газламани ва тайёр тикув-трикотаж маҳсулотини экспорт қилувчи тадбиркорлик субъектлари (шу жумладан комиссионер	Бўялган матони, бўялган газламани ва тайёр тикув-трикотаж маҳсулотини экспорт қилувчи тадбиркорлик субъектлари (шу жумладан комиссионер

Старая редакция	Новая редакция
(ишончли вакил) орқали экспорт қилган тадбиркорлик субъектлари) 2022 йил 1 февралдан 2025 йил 1 январга қадар бўлган даврда ижтимоий солиқни 1 фоиз миқдоридаги солиқ ставкаси бўйича тўлайди.	(ишончли вакил) орқали экспорт қилган тадбиркорлик субъектлари) 2022 йил 1 февралдан 2025 йил 1 январга қадар бўлган даврда ижтимоий солиқни 1 фоиз миқдоридаги солиқ ставкаси бўйича тўлайди.
Ушбу модданинг ўн еттинчи қисмида назарда тутилган имтиёз бўялган мато, бўялган газлама ва тайёр тикув-трикотаж маҳсулотини экспорт қилишдан олинган тушуми барча товарларни ва хизматларни реализация қилишдан олинган тушумининг камида 80 фоизини ташкил этадиган солиқ тўловчиларга нисбатан қўлланилади.	Ушбу модданинг ўн еттинчи қисмида назарда тутилган имтиёз бўялган мато, бўялган газлама ва тайёр тикув-трикотаж маҳсулотини экспорт қилишдан олинган тушуми барча товарларни ва хизматларни реализация қилишдан олинган тушумининг камида 80 фоизини ташкил этадиган солиқ тўловчиларга нисбатан қўлланилади.
Махсус иқтисодий зоналарнинг иштирокчилари томонидан фойда солиғи бўйича имтиёзларнинг 2020 йил 1 январдан кейин фойдаланилмай қолган қисми 2020 йил 1 октябрга қадар махсус иқтисодий зоналар иштирокчиларининг реестрига киритилган иштирокчиларга нисбатан улар томонидан киритилган, 2020 йил 1 январга қадар амалда бўлган қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган инвестицияларнинг ҳажмига қараб, мазкур иштирокчилар реестрга киритилган пайтдан эътиборан 3 йилдан 10 йилгача бўлган муддатга тўлиқ қўлланилади. Ушбу қисмнинг қоидалари ушбу Кодекс 473-моддасининг иккинчи	Махсус иқтисодий зоналарнинг иштирокчилари томонидан фойда солиғи бўйича имтиёзларнинг 2020 йил 1 январдан кейин фойдаланилмай қолган қисми 2020 йил 1 октябрга қадар махсус иқтисодий зоналар иштирокчиларининг реестрига киритилган иштирокчиларга нисбатан улар томонидан киритилган, 2020 йил 1 январга қадар амалда бўлган қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган инвестицияларнинг ҳажмига қараб, мазкур иштирокчилар реестрга киритилган пайтдан эътиборан 3 йилдан 10 йилгача бўлган муддатга тўлиқ қўлланилади. Ушбу қисмнинг қоидалари ушбу Кодекс 473-моддасининг иккинчи

Старая редакция	Новая редакция
қисмида назарда тутилган фойда солиғи бўйича имтиёзларнинг амал қилиш муддатига нисбатан татбиқ этилмайди.	қисмида назарда тутилган фойда солиғи бўйича имтиёзларнинг амал қилиш муддатига нисбатан татбиқ этилмайди.
Ўттиз ёшдан ошмаган ходимларни ишга қабул қилган чакана савдо ва умумий овқатланиш, меҳмонхона (жойлаштириш), автотранспорт воситасида йўловчи ва юк ташиш, автотранспорт воситаларини таъмирлаш ҳамда уларга техник хизмат кўрсатиш, компьютер хизматларини, маиший техникани таъмирлаш, агро ва ветеринария хизматлари кўрсатувчи, шунингдек кўнгилочар марказларда хизматлар кўрсатувчи тадбиркорлик субъектлари — 2025 йил 1 январдан 2028 йил 1 январга қадар бўлган даврда уларга тўланадиган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлардан ижтимоий солиқни 1 фоиз миқдордаги солиқ ставкаси бўйича тўлайди.	Ўттиз ёшдан ошмаган ходимларни ишга қабул қилган чакана савдо ва умумий овқатланиш, меҳмонхона (жойлаштириш), автотранспорт воситасида йўловчи ва юк ташиш, автотранспорт воситаларини таъмирлаш ҳамда уларга техник хизмат кўрсатиш, компьютер хизматларини, маиший техникани таъмирлаш, агро ва ветеринария хизматлари кўрсатувчи, шунингдек кўнгилочар марказларда хизматлар кўрсатувчи тадбиркорлик субъектлари — 2025 йил 1 январдан 2028 йил 1 январга қадар бўлган даврда уларга тўланадиган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлардан ижтимоий солиқни 1 фоиз миқдордаги солиқ ставкаси бўйича тўлайди.
Ушбу модданинг йигирманчи қисмида назарда тутилган имтиёз қуйидаги барча шартларга бир вақтнинг ўзида жавоб берадиган тадбиркорлик субъектларига нисбатан татбиқ этилади:	Ушбу модданинг йигирманчи қисмида назарда тутилган имтиёз қуйидаги барча шартларга бир вақтнинг ўзида жавоб берадиган тадбиркорлик субъектларига нисбатан татбиқ этилади:
ҳар ойда ходимларга ўртача иш ҳақи миқдори меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг икки ярим бараваридан кам бўлмаган миқдорда ҳисобланганда;	ҳар ойда ходимларга ўртача иш ҳақи миқдори меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг икки ярим бараваридан кам бўлмаган миқдорда ҳисобланганда;

Старая редакция	Новая редакция
белгиланган фаолият турларини амалга оширишдан олинган даромадлар жорий ҳисобот (солиқ) даври якунлари бўйича жами даромаднинг камида 60 фоизини ташкил этганда. Шунингдек ходимлар сонини яшириш фактлари аниқланган тақдирда мазкур имтиёзнинг амал қилиши бекор қилинади.	белгиланган фаолият турларини амалга оширишдан олинган даромадлар жорий ҳисобот (солиқ) даври якунлари бўйича жами даромаднинг камида 60 фоизини ташкил этганда. Шунингдек ходимлар сонини яшириш фактлари аниқланган тақдирда мазкур имтиёзнинг амал қилиши бекор қилинади.
Маҳаллалараро савдо-хизмат кўрсатиш кўчалари бўйлаб жойлашган, уй-жой учун мўлжалланган кўчмас мулк объектлари ушбу модданинг йигирманчи қисмида° белгиланган хизматлар турларини кўрсатиш учун яшаш учун мўлжалланмаган кўчмас мулк тоифасига ўтказилган тақдирда, 2024 йил 1 январга қадар жисмоний шахслар жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғини ҳамда жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғини уй-жойга мўлжалланган кўчмас мулк объектлари, шунингдек ушбу объектлар эгаллаган ер участкалари учун белгиланган солиқ ставкалари бўйича тўлайди.	Маҳаллалараро савдо-хизмат кўрсатиш кўчалари бўйлаб жойлашган, уй-жой учун мўлжалланган кўчмас мулк объектлари ушбу модданинг йигирманчи қисмида° белгиланган хизматлар турларини кўрсатиш учун яшаш учун мўлжалланмаган кўчмас мулк тоифасига ўтказилган тақдирда, 2024 йил 1 январга қадар жисмоний шахслар жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғини ҳамда жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғини уй-жойга мўлжалланган кўчмас мулк объектлари, шунингдек ушбу объектлар эгаллаган ер участкалари учун белгиланган солиқ ставкалари бўйича тўлайди.
Маҳаллалараро савдо-хизмат кўрсатиш кўчаларининг рўйхати Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан белгиланади.	Маҳаллалараро савдо-хизмат кўрсатиш кўчаларининг рўйхати Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан белгиланади.
Тадбиркорлик субъектлари 2022 йил 1 январдан	Тадбиркорлик субъектлари 2022 йил 1 январдан

Старая редакция	Новая редакция
2027 йил 1 январга қадар бўлган даврда майдони беш минг квадрат метрдан юқори бўлган савдо комплекслари ва меҳмонхона (жойлаштириш воситалари), шу жумладан, улар эгаллаган ер участкалари бўйича қуйидагиларга ҳақли:	2027 йил 1 январга қадар бўлган даврда майдони беш минг квадрат метрдан юқори бўлган савдо комплекслари ва меҳмонхона (жойлаштириш воситалари), шу жумладан, улар эгаллаган ер участкалари бўйича қуйидагиларга ҳақли:
юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ва юридик шахслардан олинадиган ер солиғи бўйича солиқ ставкаларига нисбатан 0,1 коэффициентни қўллашга. Бунда 2027 йил 1 январга қадар янгидан қурилган ушбу кўчмас мулк объектларига ва ушбу объектлар эгаллаган ер участкаларига нисбатан мазкур имтиёз улар фойдаланишга топширилган ойдан эътиборан беш йил мобайнида қўлланилади;	юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ва юридик шахслардан олинадиган ер солиғи бўйича солиқ ставкаларига нисбатан 0,1 коэффициентни қўллашга. Бунда 2027 йил 1 январга қадар янгидан қурилган ушбу кўчмас мулк объектларига ва ушбу объектлар эгаллаган ер участкаларига нисбатан мазкур имтиёз улар фойдаланишга топширилган ойдан эътиборан беш йил мобайнида қўлланилади;
фойда солиғини ҳисоблаб чиқариш чоғида икки йил давомида мазкур биноларнинг қийматини амортизация тарзида чегириб ташланадиган харажатлар жумласига киритишга.	фойда солиғини ҳисоблаб чиқариш чоғида икки йил давомида мазкур биноларнинг қийматини амортизация тарзида чегириб ташланадиган харажатлар жумласига киритишга.
Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорида кўрсатилган туманлар ва шаҳарларнинг белгиланган туризм зоналарида рўйхатдан ўтказилган ҳамда мазкур ҳудудларда умумий овқатланиш, меҳмонхона (жойлаштириш), савдо, кўнгилочар, туроператорлик ва турагент хизматларини кўрсатадиган	Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорида кўрсатилган туманлар ва шаҳарларнинг белгиланган туризм зоналарида рўйхатдан ўтказилган ҳамда мазкур ҳудудларда умумий овқатланиш, меҳмонхона (жойлаштириш), савдо, кўнгилочар, туроператорлик ва турагент хизматларини кўрсатадиган

Старая редакция	Новая редакция
тадбиркорлик субъектлари — 2022 йил 1 апрелдан 2025 йил 1 январга қадар бўлган даврда:	тадбиркорлик субъектлари — 2022 йил 1 апрелдан 2025 йил 1 январга қадар бўлган даврда:
айланмадан олинадиган солиқни 1 фоиз миқдордаги солиқ ставкаси бўйича тўлайди;	айланмадан олинадиган солиқни 1 фоиз миқдордаги солиқ ставкаси бўйича тўлайди;
ушбу ҳудудларда жойлашган объектларга, шунингдек мазкур объектлар эгаллаган ер участкаларига нисбатан юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ва юридик шахслардан олинадиган ер солиғини ушбу солиқлар бўйича ҳисобланган сумманинг 1 фоизи миқдорида тўлайди.	ушбу ҳудудларда жойлашган объектларга, шунингдек мазкур объектлар эгаллаган ер участкаларига нисбатан юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ва юридик шахслардан олинадиган ер солиғини ушбу солиқлар бўйича ҳисобланган сумманинг 1 фоизи миқдорида тўлайди.
Туманлар ва шаҳарлар туризм зоналари чегаралари Ўзбекистон Республикаси Туризм ва маданий мерос вазирлиги ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳудудий бош бошқармаларининг хулосаларига асосан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар Кенгашлари томонидан белгиланади.	Туманлар ва шаҳарлар туризм зоналари чегаралари Ўзбекистон Республикаси Туризм ва маданий мерос вазирлиги ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳудудий бош бошқармаларининг хулосаларига асосан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар Кенгашлари томонидан белгиланади.
2022 йил 1 апрелдан 2028 йил 31 декабрга қадар бўлган даврда:	2022 йил 1 апрелдан 2028 йил 31 декабрга қадар бўлган даврда:
Ўзбекистон Республикасининг резидентлари ва норезидентлари бўлган жисмоний шахсларнинг	Ўзбекистон Республикасининг резидентлари ва норезидентлари бўлган жисмоний шахсларнинг

Старая редакция	Новая редакция
(акциядорларнинг) акциялар бўйича дивидендлар тарзидаги даромадлари жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан озод қилинади;	(акциядорларнинг) акциялар бўйича дивидендлар тарзидаги даромадлари жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан озод қилинади;
Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари бўлган юридик шахсларнинг (акциядорларнинг) акциялари бўйича дивидендлар тарзидаги даромадларига фойда солиғи бўйича 5 фоиз миқдорида солиқ ставкаси қўлланилади;	Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари бўлган юридик шахсларнинг (акциядорларнинг) акциялари бўйича дивидендлар тарзидаги даромадларига фойда солиғи бўйича 5 фоиз миқдорида солиқ ставкаси қўлланилади;
Ўзбекистон Республикасининг резидентлари ва норезидентлари бўлган жисмоний ва юридик шахсларнинг хўжалик жамиятлари облигациялари бўйича фоизлар тарзидаги даромадлари жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан ҳамда фойда солиғидан озод этилади.	Ўзбекистон Республикасининг резидентлари ва норезидентлари бўлган жисмоний ва юридик шахсларнинг хўжалик жамиятлари облигациялари бўйича фоизлар тарзидаги даромадлари жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан ҳамда фойда солиғидан озод этилади.
Тадбиркорлик субъектларининг миллий мусиқа чолғу асбобларини ишлаб чиқаришдан олган даромадлари жорий ҳисобот (солиқ) даври якунлари бўйича жами даромаднинг камида 60 фоизини ташкил этса, айланмадан олинадиган солиқ ва ижтимоий солиқ 2022 йил 1 апрелдан 2025 йил 1 январга қадар бўлган даврда 1 фоиз миқдордаги солиқ ставкаси бўйича тўланади.	Тадбиркорлик субъектларининг миллий мусиқа чолғу асбобларини ишлаб чиқаришдан олган даромадлари жорий ҳисобот (солиқ) даври якунлари бўйича жами даромаднинг камида 60 фоизини ташкил этса, айланмадан олинадиган солиқ ва ижтимоий солиқ 2022 йил 1 апрелдан 2025 йил 1 январга қадар бўлган даврда 1 фоиз миқдордаги солиқ ставкаси бўйича тўланади.
Хўжаликларда балиқ етиштиришни кооперация	Хўжаликларда балиқ етиштиришни кооперация

Старая редакция	Новая редакция
асосида йўлга қўйган солиқ тўловчилар 2025 йил 1 январга қадар бўлган даврда барча солиқларни (бундан қўшилган қиймат солиғи ва ижтимоий солиқ мустасно) тўлашдан озод этилади.	асосида йўлга қўйган солиқ тўловчилар 2025 йил 1 январга қадар бўлган даврда барча солиқларни (бундан қўшилган қиймат солиғи ва ижтимоий солиқ мустасно) тўлашдан озод этилади.
Ушбу модданинг йигирма тўққизинчи қисмида назарда тутилган имтиёз жорий ҳисобот (солиқ) даври якунлари бўйича жами даромаднинг умумий ҳажмида балиқ етиштириш фаолиятидан олинган даромадининг улуши 90 фоиздан ортиқни ташкил этган солиқ тўловчиларга нисбатан қўлланилади.	Ушбу модданинг йигирма тўққизинчи қисмида назарда тутилган имтиёз жорий ҳисобот (солиқ) даври якунлари бўйича жами даромаднинг умумий ҳажмида балиқ етиштириш фаолиятидан олинган даромадининг улуши 90 фоиздан ортиқни ташкил этган солиқ тўловчиларга нисбатан қўлланилади.
Чарм, мўйна хом ашёсини ва жунни тайёрлаш, сақлаш ҳамда қайта ишлаш, қорамолни автоматлаштирилган тарзда сўйиш, жун, қоракўл ва сунъий чармдан буюмлар, чарм-атторлик маҳсулотлари, пойабзал ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи солиқ тўловчилар 2023 йил 1 январдан 2026 йил 1 январга қадар бўлган даврда ушбу фаолияти бўйича фойда солиғини, айланмадан олинадиган солиқни ва юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни тўлашдан озод этилади.	Чарм, мўйна хом ашёсини ва жунни тайёрлаш, сақлаш ҳамда қайта ишлаш, қорамолни автоматлаштирилган тарзда сўйиш, жун, қоракўл ва сунъий чармдан буюмлар, чарм-атторлик маҳсулотлари, пойабзал ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи солиқ тўловчилар 2023 йил 1 январдан 2026 йил 1 январга қадар бўлган даврда ушбу фаолияти бўйича фойда солиғини, айланмадан олинадиган солиқни ва юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни тўлашдан озод этилади.
Ушбу модданинг ўттиз биринчи қисмида белгиланган солиқ имтиёзлари қуйидагиларга нисбатан татбиқ этилади:	Ушбу модданинг ўттиз биринчи қисмида белгиланган солиқ имтиёзлари қуйидагиларга нисбатан татбиқ этилади:

Старая редакция	Новая редакция
чорва молларни сўйишга ихтисослаштирилган, замонавий автоматлаштирилган комплекслар билан жиҳозланган солиқ тўловчиларга;	чорва молларни сўйишга ихтисослаштирилган, замонавий автоматлаштирилган комплекслар билан жиҳозланган солиқ тўловчиларга;
ҳисобот (солиқ) даври якунлари бўйича жами даромадининг умумий ҳажмида чарм, мўйна, қоракўл хом ашёсини ва жунни йиғиш ҳамда тайёрлаш, уларни қайта ишлаш (фойдаланиш) учун кейинчалик сотиш фаолиятидан олинган даромадининг улуши 80 фоиздан кам бўлмаган солиқ тўловчиларга;	ҳисобот (солиқ) даври якунлари бўйича жами даромадининг умумий ҳажмида чарм, мўйна, қоракўл хом ашёсини ва жунни йиғиш ҳамда тайёрлаш, уларни қайта ишлаш (фойдаланиш) учун кейинчалик сотиш фаолиятидан олинган даромадининг улуши 80 фоиздан кам бўлмаган солиқ тўловчиларга;
ҳисобот (солиқ) даври якунлари бўйича жами даромадининг умумий ҳажмида чарм, мўйна, қоракўл хом ашёсини ва жунни қайта ишлаш, шунингдек бутловчи буюмларни, фурнитура, аксессуарлар, пойабзал қолиплари, пойабзал тагликлари, устки қисмлари, желатин, сунъий чарм, пойабзал, чарм-атторлик, мўйначилик, қоракўл маҳсулотини ва жундан ишланган буюмларни ишлаб чиқаришдан олинган даромадининг улуши 60 фоиздан кам бўлмаган солиқ тўловчиларга.	ҳисобот (солиқ) даври якунлари бўйича жами даромадининг умумий ҳажмида чарм, мўйна, қоракўл хом ашёсини ва жунни қайта ишлаш, шунингдек бутловчи буюмларни, фурнитура, аксессуарлар, пойабзал қолиплари, пойабзал тагликлари, устки қисмлари, желатин, сунъий чарм, пойабзал, чарм-атторлик, мўйначилик, қоракўл маҳсулотини ва жундан ишланган буюмларни ишлаб чиқаришдан олинган даромадининг улуши 60 фоиздан кам бўлмаган солиқ тўловчиларга.
Чорва молларни сўйиш бўйича замонавий автоматлаштирилган комплексларга эга бўлган, шунингдек терини қайта ишловчи ва чармдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи солиқ тўловчилар юридик	Чорва молларни сўйиш бўйича замонавий автоматлаштирилган комплексларга эга бўлган, шунингдек терини қайта ишловчи ва чармдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи солиқ тўловчилар юридик

Старая редакция	Новая редакция
шахслардан олинадиган ер солиғини тўлашдан 2023 йил 1 январдан 2026 йил 1 январга қадар бўлган даврда озод этилади.	шахслардан олинадиган ер солиғини тўлашдан 2023 йил 1 январдан 2026 йил 1 январга қадар бўлган даврда озод этилади.
Ҳисобот (солиқ) даври якунлари бўйича жами даромадининг умумий ҳажми қуйидаги талабларга жавоб берса, солиқ тўловчилар ижтимоий солиқни 2022 йил 1 апрелдан 2025 йил 1 январга қадар бўлган даврда 1 фоиз миқдордаги солиқ ставкаси бўйича тўлайди:	Ҳисобот (солиқ) даври якунлари бўйича жами даромадининг умумий ҳажми қуйидаги талабларга жавоб берса, солиқ тўловчилар ижтимоий солиқни 2022 йил 1 апрелдан 2025 йил 1 январга қадар бўлган даврда 1 фоиз миқдордаги солиқ ставкаси бўйича тўлайди:
болалар, аёллар ва спорт пойабзалларини, сунъий (эко) чарм, фурнитура, пойабзал қолиплари ҳамда тагликларини реализация қилишдан олинадиган даромадларининг улуши камида 60 фоизни ташкил этса;	болалар, аёллар ва спорт пойабзалларини, сунъий (эко) чарм, фурнитура, пойабзал қолиплари ҳамда тагликларини реализация қилишдан олинадиган даромадларининг улуши камида 60 фоизни ташкил этса;
пойабзалларни, чарм-атторлик маҳсулотларини ва мўйнадан тайёрланган буюмларни экспорт қилишдан олинадиган даромадларининг улуши камида 80 фоизни ташкил этса.	пойабзалларни, чарм-атторлик маҳсулотларини ва мўйнадан тайёрланган буюмларни экспорт қилишдан олинадиган даромадларининг улуши камида 80 фоизни ташкил этса.
Белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатлар бўйича тиббиёт асбоб-ускуналари ва буюмларининг эҳтиёт қисмларини ҳамда тиббиёт мақсадлари учун сарфлов материалларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш 2022 йил 1 апрелдан 2025 йил 1 январга қадар бўлган даврда қўшилган	Белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатлар бўйича тиббиёт асбоб-ускуналари ва буюмларининг эҳтиёт қисмларини ҳамда тиббиёт мақсадлари учун сарфлов материалларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш 2022 йил 1 апрелдан 2025 йил 1 январга қадар бўлган даврда қўшилган

Старая редакция	Новая редакция
қиймат солиғидан озод қилинади. Меҳнат ресурслари зич бўлган қишлоқ жойларнинг реестрига киритилган ҳудудларда ходимларининг умумий сони 10 нафардан кам бўлмаган ҳамда у ерда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи хотин-қизлар меҳнатига ҳақ тўлаш фонди умумий меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг 50 фоизидан кам бўлмаган кичик тадбиркорлик субъектлари ўзида меҳнат фаолиятини амалга оширувчи хотин-қизларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш фондидан олинадиган ижтимоий солиқни 2022 йил 1 сентябрдан 2025 йил 1 январга қадар бўлган даврда 1 фоиз миқдордаги солиқ ставкаси бўйича тўлайди. Чиқиндиларни тўплаш, олиб чиқиш, саралаш ва қайта ишлаш фаолиятидан олган даромадлари ҳисобот (солиқ) даври якунлари бўйича жами даромадининг камида 90 фоизини ташкил этган солиқ тўловчилар 2023 йил 1 январдан эътиборан 2026 йил 1 январга қадар бўлган даврда мазкур фаолият тури бўйича фойда солиғини (бундан фоизлар тарзидаги даромадлар мустасно) ва ижтимоий солиқни 1 фоиз миқдордаги солиқ ставкаси бўйича тўлайди. Бюджет ташкилотлари товарларни (хизматларни)	қиймат солиғидан озод қилинади. Меҳнат ресурслари зич бўлган қишлоқ жойларнинг реестрига киритилган ҳудудларда ходимларининг умумий сони 10 нафардан кам бўлмаган ҳамда у ерда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи хотин-қизлар меҳнатига ҳақ тўлаш фонди умумий меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг 50 фоизидан кам бўлмаган кичик тадбиркорлик субъектлари ўзида меҳнат фаолиятини амалга оширувчи хотин-қизларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш фондидан олинадиган ижтимоий солиқни 2022 йил 1 сентябрдан 2025 йил 1 январга қадар бўлган даврда 1 фоиз миқдордаги солиқ ставкаси бўйича тўлайди. Чиқиндиларни тўплаш, олиб чиқиш, саралаш ва қайта ишлаш фаолиятидан олган даромадлари ҳисобот (солиқ) даври якунлари бўйича жами даромадининг камида 90 фоизини ташкил этган солиқ тўловчилар 2023 йил 1 январдан эътиборан 2026 йил 1 январга қадар бўлган даврда мазкур фаолият тури бўйича фойда солиғини (бундан фоизлар тарзидаги даромадлар мустасно) ва ижтимоий солиқни 1 фоиз миқдордаги солиқ ставкаси бўйича тўлайди. Бюджет ташкилотлари товарларни (хизматларни)

Старая редакция	Новая редакция
реализация қилишдан олинган даромадлар бўйича барча турдаги солиқларни тўлашдан 2027 йил 1 январга қадар озод қилинади, бундан ижтимоий солиқ мустасно.	реализация қилишдан олинган даромадлар бўйича барча турдаги солиқларни тўлашдан 2027 йил 1 январга қадар озод қилинади, бундан ижтимоий солиқ мустасно.
Қорақалпоғистон Республикасининг барча туманларида жойлашган ҳамда мазкур ҳудудда фаолиятни амалга ошираётган тадбиркорлик субъектлари (бундан йирик солиқ тўловчилар, доимий муассасалар, бюджет ташкилотлари ва давлат корхоналари, устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз миқдорида ва ундан ортиқ бўлган юридик шахслар, устав фондининг (устав капиталининг) 50 фоизи ва ундан ортиғи устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз миқдорида ва ундан ортиқ бўлган юридик шахсга тегишли юридик шахслар мустасно) 2023 йил 1 январдан 2028 йил 1 январга қадар бўлган даврда:	Қорақалпоғистон Республикасининг барча туманларида жойлашган ҳамда мазкур ҳудудда фаолиятни амалга ошираётган тадбиркорлик субъектлари (бундан йирик солиқ тўловчилар, доимий муассасалар, бюджет ташкилотлари ва давлат корхоналари, устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз миқдорида ва ундан ортиқ бўлган юридик шахслар, устав фондининг (устав капиталининг) 50 фоизи ва ундан ортиғи устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз миқдорида ва ундан ортиқ бўлган юридик шахсга тегишли юридик шахслар мустасно) 2023 йил 1 январдан 2028 йил 1 январга қадар бўлган даврда:
фойда солиғини, айланмадан олинадиган солиқни, юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ва юридик шахслардан олинадиган ер солиғини белгиланган солиқ ставкаларига нисбатан 50 фоизга камайтирилган солиқ ставкалари бўйича тўлайди;	фойда солиғини, айланмадан олинадиган солиқни, юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ва юридик шахслардан олинадиган ер солиғини белгиланган солиқ ставкаларига нисбатан 50 фоизга камайтирилган солиқ ставкалари бўйича тўлайди;
ижтимоий солиқни 1 фоиз миқдоридаги солиқ	ижтимоий солиқни 1 фоиз миқдоридаги солиқ

Старая редакция	Новая редакция
ставкаси бўйича, якка тартибдаги тадбиркорлар эса йилига базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдорида тўлайди.	ставкаси бўйича, якка тартибдаги тадбиркорлар эса йилига базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдорида тўлайди.
Агар солиқ тўловчи ушбу модданинг ўттиз тўққизинчи қисмида назарда тутилган солиқ имтиёзлари билан бир қаторда бир вақтнинг ўзида бошқа асослар бўйича солиқ имтиёзларига доир ҳуқуққа эга бўлса, бундай солиқ тўловчи ўз ихтиёрига кўра энг қулай солиқ имтиёзини танлашга ҳақли.	Агар солиқ тўловчи ушбу модданинг ўттиз тўққизинчи қисмида назарда тутилган солиқ имтиёзлари билан бир қаторда бир вақтнинг ўзида бошқа асослар бўйича солиқ имтиёзларига доир ҳуқуққа эга бўлса, бундай солиқ тўловчи ўз ихтиёрига кўра энг қулай солиқ имтиёзини танлашга ҳақли.
2023 йил 1 январдан 2026 йил 1 январга қадар Ўзбекистон футбол ассоциацияси, унинг ҳудудий бўлинмалари, «Ўзбекистон Профессионал футбол лигаси» жамоат бирлашмаси, Ўзбекистон футбол ҳакамлари маркази ва профессионал футбол клублари:	2023 йил 1 январдан 2026 йил 1 январга қадар Ўзбекистон футбол ассоциацияси, унинг ҳудудий бўлинмалари, «Ўзбекистон Профессионал футбол лигаси» жамоат бирлашмаси, Ўзбекистон футбол ҳакамлари маркази ва профессионал футбол клублари:
барча турдаги солиқларни (бундан ижтимоий солиқ мустасно);	барча турдаги солиқларни (бундан ижтимоий солиқ мустасно);
ўзи жалб қилган чет эл мутахассислари ва футболчиларининг даромадларидан тўланадиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини;	ўзи жалб қилган чет эл мутахассислари ва футболчиларининг даромадларидан тўланадиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини;
белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатлар бўйича Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган, Ўзбекистон Республикасида ўхшаши	белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатлар бўйича Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган, Ўзбекистон Республикасида ўхшаши

Старая редакция	Новая редакция
ишлаб чиқарилмайдиган спорт асбоб-ускуналари ва инвентари, трансляция қилиш учун зарур бўлган асбоб-ускуналар, инвентарь ва техника, фармакология товарлари, спорт озиқ-овқатлари, футбол (футзал) майдонлари учун сунъий ўтлар, шокпад, гранулалар, махсус елимлар ва махсус профессионал спорт кийим-бошлари, транспорт воситалари, шу жумладан махсус транспорт воситалари учун қўшилган қиймат солиғини тўлашдан озод этилади.	ишлаб чиқарилмайдиган спорт асбоб-ускуналари ва инвентари, трансляция қилиш учун зарур бўлган асбоб-ускуналар, инвентарь ва техника, фармакология товарлари, спорт озиқ-овқатлари, футбол (футзал) майдонлари учун сунъий ўтлар, шокпад, гранулалар, махсус елимлар ва махсус профессионал спорт кийим-бошлари, транспорт воситалари, шу жумладан махсус транспорт воситалари учун қўшилган қиймат солиғини тўлашдан озод этилади.
Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш комплекс дастури»да иштирок этадиган тижорат банкларининг лойиҳалар учун ажратилган банк кредитлари бўйича олинган фоизлар тарзидаги даромадлари фойда солиғини ҳисоблаб чиқариш мақсадларида 2024 йил 1 январдан 2026 йил 1 январга қадар бўлган даврда чегириладиган харажатлар сифатида эътироф этилади.	Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш комплекс дастури»да иштирок этадиган тижорат банкларининг лойиҳалар учун ажратилган банк кредитлари бўйича олинган фоизлар тарзидаги даромадлари фойда солиғини ҳисоблаб чиқариш мақсадларида 2024 йил 1 январдан 2026 йил 1 январга қадар бўлган даврда чегириладиган харажатлар сифатида эътироф этилади.
«Изланиш ва ривожланиш» марказлари 2024 йил 1 январдан 2027 йил 1 январга қадар бўлган даврда мазкур марказларнинг объектлари ва улар эгаллаган ер участкалари бўйича юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ҳамда юридик шахслардан олинадиган ер солиғини ушбу солиқлар бўйича	«Изланиш ва ривожланиш» марказлари 2024 йил 1 январдан 2027 йил 1 январга қадар бўлган даврда мазкур марказларнинг объектлари ва улар эгаллаган ер участкалари бўйича юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ҳамда юридик шахслардан олинадиган ер солиғини ушбу солиқлар бўйича

Старая редакция	Новая редакция
ҳисобланган сумманинг 1 фоизи миқдорида, шунингдек ижтимоий солиқни 1 фоиз миқдоридаги солиқ ставкаси бўйича тўлайди.	ҳисобланган сумманинг 1 фоизи миқдорида, шунингдек ижтимоий солиқни 1 фоиз миқдоридаги солиқ ставкаси бўйича тўлайди.
Қимматбаҳо, рангли ва (ёки) радиоактив металларни, нодир элементларни ҳамда нодир ер элементларини қазиб олувчи ва (ёки) уларни техноген минерал ҳосилалардан (бундан буён матнда металлар деб юритилади) ажратиб олувчи, шунингдек углеводород хом ашёсини қазиб олувчи юридик шахсларга нисбатан ушбу Кодекснинг XVIII1 бўлимида назарда тутилган қоидалар 2024 йил 1 январдан 2025 йил 31 декабрга қадар бўлган даврда татбиқ этилмайди. Мазкур қоида қазиб олиш 2024 йил 1 январдан 2025 йил 31 декабрга қадар бўлган даврда бошланган ер қаъри участкасига нисбатан қўлланилади ва металларни ёки углеводород хом ашёсини қазиб олиш (ажратиб олиш) бўйича фаолиятни амалга оширишнинг бутун даври учун татбиқ этилади.	Қимматбаҳо, рангли ва (ёки) радиоактив металларни, нодир элементларни ҳамда нодир ер элементларини қазиб олувчи ва (ёки) уларни техноген минерал ҳосилалардан (бундан буён матнда металлар деб юритилади) ажратиб олувчи, шунингдек углеводород хом ашёсини қазиб олувчи юридик шахсларга нисбатан ушбу Кодекснинг XVIII1 бўлимида назарда тутилган қоидалар 2024 йил 1 январдан 2025 йил 31 декабрга қадар бўлган даврда татбиқ этилмайди. Мазкур қоида қазиб олиш 2024 йил 1 январдан 2025 йил 31 декабрга қадар бўлган даврда бошланган ер қаъри участкасига нисбатан қўлланилади ва металларни ёки углеводород хом ашёсини қазиб олиш (ажратиб олиш) бўйича фаолиятни амалга оширишнинг бутун даври учун татбиқ этилади.
Бюджет ташкилотлари томонидан халқаро молия институтларидан ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларидан жалб қилинган ҳамда жалб қилинадиган давлат ташқи қарзи ҳисобидан тўлиқ ёки қисман амалга ошириладиган лойиҳалар доирасида,	Бюджет ташкилотлари томонидан халқаро молия институтларидан ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларидан жалб қилинган ҳамда жалб қилинадиган давлат ташқи қарзи ҳисобидан тўлиқ ёки қисман амалга ошириладиган лойиҳалар доирасида,

Старая редакция	Новая редакция
шунингдек давлат корхоналари ҳамда устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз миқдорида ва ундан ортиқ бўлган юридик шахслар томонидан инфратузилма лойиҳалари (электр, газ ва иссиқлик таъминотига, сув таъминоти ва канализацияга, сув хўжалигига, йўл-транспорт инфратузилмасига, алоқа ва телекоммуникацияларга, агрологистикага, санитария жиҳатдан тозалашга, қаттиқ маиший чиқиндиларни бошқаришга доир лойиҳалар) учун халқаро молия институтларидан ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларидан жалб қилинган ҳамда жалб қилинадиган давлат ташқи қарзи (бундан Ўзбекистон Республикасининг тижорат банклари орқали қайта молиялаштириладиган ёки қайта кредитланадиган халқаро молия институтларининг ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг маблағлари мустасно), техник ёрдам кўрсатиш (грантлар) ҳисобидан тўлиқ ёки қисман амалга ошириладиган лойиҳалар доирасида сотиб олинадиган товарларни (хизматларни) реализация қилиш бўйича айланма, шунингдек уларни олиб кириш қўшилган қиймат солиғидан 2028 йил 1 январга қадар озод қилинади. Бунда мазкур имтиёз лойиҳа иштирокчиларига нисбатан ҳам қўлланилади.	шунингдек давлат корхоналари ҳамда устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз миқдорида ва ундан ортиқ бўлган юридик шахслар томонидан инфратузилма лойиҳалари (электр, газ ва иссиқлик таъминотига, сув таъминоти ва канализацияга, сув хўжалигига, йўл-транспорт инфратузилмасига, алоқа ва телекоммуникацияларга, агрологистикага, санитария жиҳатдан тозалашга, қаттиқ маиший чиқиндиларни бошқаришга доир лойиҳалар) учун халқаро молия институтларидан ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларидан жалб қилинган ҳамда жалб қилинадиган давлат ташқи қарзи (бундан Ўзбекистон Республикасининг тижорат банклари орқали қайта молиялаштириладиган ёки қайта кредитланадиган халқаро молия институтларининг ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг маблағлари мустасно), техник ёрдам кўрсатиш (грантлар) ҳисобидан тўлиқ ёки қисман амалга ошириладиган лойиҳалар доирасида сотиб олинадиган товарларни (хизматларни) реализация қилиш бўйича айланма, шунингдек уларни олиб кириш қўшилган қиймат солиғидан 2028 йил 1 январга қадар озод қилинади. Бунда мазкур имтиёз лойиҳа иштирокчиларига нисбатан ҳам қўлланилади.
«20 минг тадбиркор — 500 минг малакали	«20 минг тадбиркор — 500 минг малакали

Старая редакция	Новая редакция
мутахассис» дастурига киритилган тадбиркорлик субъектлари юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ва юридик шахслардан олинадиган ер солиғини 2025 йил 1 январга қадар қуйидаги миқдорда пасайтирилган солиқ ставкалари бўйича тўлайди:	мутахассис» дастурига киритилган тадбиркорлик субъектлари юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ва юридик шахслардан олинадиган ер солиғини 2025 йил 1 январга қадар қуйидаги миқдорда пасайтирилган солиқ ставкалари бўйича тўлайди:
51 тадан 100 тагача янги иш ўрни яратилганда — белгиланган солиқ ставкасининг 50 фоизи;	51 тадан 100 тагача янги иш ўрни яратилганда — белгиланган солиқ ставкасининг 50 фоизи;
101 дан 200 тагача янги иш ўрни яратилганда — белгиланган солиқ ставкасининг 75 фоизи;	101 дан 200 тагача янги иш ўрни яратилганда — белгиланган солиқ ставкасининг 75 фоизи;
200 дан ортиқ янги иш ўрни яратилганда — ушбу солиқларни тўлашдан озод этилади.	200 дан ортиқ янги иш ўрни яратилганда — ушбу солиқларни тўлашдан озод этилади.
Ушбу модданинг қирқ олтинчи қисмида назарда тутилган имтиёзлар «ҳамкорлик шартномалари»га асосан «20 минг тадбиркор — 500 минг малакали мутахассис» дастурига киритилган тадбиркорлик субъектларига (бундан Тошкент шаҳрида рўйхатдан ўтган тадбиркорлик субъектлари мустасно) улар бир вақтнинг ўзида қуйидаги шартларга риоя этган тақдирда берилади:	Ушбу модданинг қирқ олтинчи қисмида назарда тутилган имтиёзлар «ҳамкорлик шартномалари»га асосан «20 минг тадбиркор — 500 минг малакали мутахассис» дастурига киритилган тадбиркорлик субъектларига (бундан Тошкент шаҳрида рўйхатдан ўтган тадбиркорлик субъектлари мустасно) улар бир вақтнинг ўзида қуйидаги шартларга риоя этган тақдирда берилади:
«Ижтимоий ҳимоянинг ягона реестри»га киритилган фуқаролар ишга қабул қилинганда ва камида	«Ижтимоий ҳимоянинг ягона реестри»га киритилган фуқаролар ишга қабул қилинганда ва камида

Старая редакция	Новая редакция
бир йил давомида уларга ҳар ойда меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг бир баравари миқдоридан кам бўлмаган иш ҳақи тўланган ҳолда, уларнинг бандлиги таъминланганда;	бир йил давомида уларга ҳар ойда меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг бир баравари миқдоридан кам бўлмаган иш ҳақи тўланган ҳолда, уларнинг бандлиги таъминланганда;
ушбу фуқаролар жами ишчилар сонининг камида 20 фоизини ташкил этганда.	ушбу фуқаролар жами ишчилар сонининг камида 20 фоизини ташкил этганда.
«Ҳамкорлик шартномалари» бўйича мажбуриятлар тадбиркорлик субъектлари томонидан бажарилмаган тақдирда, ушбу модданинг қирқ олтинчи қисмида назарда тутилган солиқ имтиёзларининг амал қилиши солиқ имтиёзларини қўллашнинг бутун даври учун бекор қилиниб, ушбу солиқларни тўлашга доир мажбуриятлар тикланади.	«Ҳамкорлик шартномалари» бўйича мажбуриятлар тадбиркорлик субъектлари томонидан бажарилмаган тақдирда, ушбу модданинг қирқ олтинчи қисмида назарда тутилган солиқ имтиёзларининг амал қилиши солиқ имтиёзларини қўллашнинг бутун даври учун бекор қилиниб, ушбу солиқларни тўлашга доир мажбуриятлар тикланади.
Заргарлик буюмларини ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган қимматбаҳо тошларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш қўшилган қиймат солиғидан 2024 йил 1 январдан 2027 йил 1 январга қадар бўлган даврда озод қилинади.	Заргарлик буюмларини ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган қимматбаҳо тошларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш қўшилган қиймат солиғидан 2024 йил 1 январдан 2027 йил 1 январга қадар бўлган даврда озод қилинади.
Касаба уюшмалари тизимидаги болалар соғломлаштириш оромгоҳлари негизида болаларнинг дам олиш мавсумидан ташқари даврда ташкил этиладиган дам олиш уйларининг ва дам олиш зоналарининг мазкур йўналишдаги хизматларни	Касаба уюшмалари тизимидаги болалар соғломлаштириш оромгоҳлари негизида болаларнинг дам олиш мавсумидан ташқари даврда ташкил этиладиган дам олиш уйларининг ва дам олиш зоналарининг мазкур йўналишдаги хизматларни

Старая редакция	Новая редакция
кўрсатишдан олган фойдаси 2026 йил 1 январга қадар бўлган даврда фойда солиғидан озод қилинади.	кўрсатишдан олган фойдаси 2026 йил 1 январга қадар бўлган даврда фойда солиғидан озод қилинади.
2023 йил 1 январдан 2026 йил 1 январга қадар бўлган даврда:	2023 йил 1 январдан 2026 йил 1 январга қадар бўлган даврда:
жисмоний шахсларнинг уй шароитида тирик пилла етиштириш фаолиятидан (касаначиликдан) олинган даромадлари жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан озод қилинади;	жисмоний шахсларнинг уй шароитида тирик пилла етиштириш фаолиятидан (касаначиликдан) олинган даромадлари жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан озод қилинади;
пилла етиштирувчи юридик шахсларнинг уй шароитида тирик пилла етиштирувчи касаначилар меҳнатига ҳақ тўлашга йўналтириладиган маблағлари, бўшаган маблағларни касаначиларни моддий рағбатлантиришга йўналтириш шарти билан ижтимоий солиқдан озод қилинади;	пилла етиштирувчи юридик шахсларнинг уй шароитида тирик пилла етиштирувчи касаначилар меҳнатига ҳақ тўлашга йўналтириладиган маблағлари, бўшаган маблағларни касаначиларни моддий рағбатлантиришга йўналтириш шарти билан ижтимоий солиқдан озод қилинади;
пилла етиштириш соҳасида озуқа базаси сифатида фойдаланиладиган тутзорлар билан банд бўлган ер участкалари учун ер солиғи халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари белгилаган солиқ ставкаларига нисбатан 0,1 коэффициент қўлланилган ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.	пилла етиштириш соҳасида озуқа базаси сифатида фойдаланиладиган тутзорлар билан банд бўлган ер участкалари учун ер солиғи халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари белгилаган солиқ ставкаларига нисбатан 0,1 коэффициент қўлланилган ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.
2025 йил 1 январдан 2030 йил 1 январга қадар бўлган даврда икки йил давомида тенг улушларда	2025 йил 1 январдан 2030 йил 1 январга қадар бўлган даврда икки йил давомида тенг улушларда

Старая редакция	Новая редакция
тадбиркорлик субъектлари фойда солиғини ҳисоблаб чиқариш чоғида ўз маблағлари ҳисобидан нодавлат умумий ўрта таълим ташкилотлари биноларини қуриш билан боғлиқ бўлган харажатларини мазкур биноларнинг қийматини амортизация тарзида чегириб ташланадиган харажатлар жумласига киритишга ҳақли.	тадбиркорлик субъектлари фойда солиғини ҳисоблаб чиқариш чоғида ўз маблағлари ҳисобидан нодавлат умумий ўрта таълим ташкилотлари биноларини қуриш билан боғлиқ бўлган харажатларини мазкур биноларнинг қийматини амортизация тарзида чегириб ташланадиган харажатлар жумласига киритишга ҳақли.
Нодавлат умумий ўрта таълим ташкилоти томонидан ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг фарзандларини бепул асосда ўқишга қабул қилиш бўйича лицензия талаблари бажарилмаган тақдирда, ушбу модданинг эллик иккинчи қисмида назарда тутилган амортизация чегирмалари ушбу Кодекснинг 306-моддасида назарда тутилган амортизация нормаларини қўллаш ҳисобидан бекор қилинади.	Нодавлат умумий ўрта таълим ташкилоти томонидан ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг фарзандларини бепул асосда ўқишга қабул қилиш бўйича лицензия талаблари бажарилмаган тақдирда, ушбу модданинг эллик иккинчи қисмида назарда тутилган амортизация чегирмалари ушбу Кодекснинг 306-моддасида назарда тутилган амортизация нормаларини қўллаш ҳисобидан бекор қилинади.
Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан тасдиқланадиган рўйхат бўйича протез мосламаларини ва уларнинг бутловчи, эҳтиёт қисмларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш қўшилган қиймат солиғини тўлашдан 2027 йил 1 январга қадар бўлган даврда озод қилинади.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан тасдиқланадиган рўйхат бўйича протез мосламаларини ва уларнинг бутловчи, эҳтиёт қисмларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш қўшилган қиймат солиғини тўлашдан 2027 йил 1 январга қадар бўлган даврда озод қилинади.
Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган вагонлар (контейнерлар) операторларининг темир йўл транспортида ташиш жараёнида вагонларни	Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган вагонлар (контейнерлар) операторларининг темир йўл транспортида ташиш жараёнида вагонларни

Старая редакция	Новая редакция
(контейнерларни) ижара шартномаси асосида фойдаланишга бериш юзасидан хизматлар кўрсатиш бўйича айланмаси қўшилган қиймат солиғидан 2024 йил 1 ноябрдан 2026 йил 1 январга қадар бўлган даврда озод этилади.	(контейнерларни) ижара шартномаси асосида фойдаланишга бериш юзасидан хизматлар кўрсатиш бўйича айланмаси қўшилган қиймат солиғидан 2024 йил 1 ноябрдан 2026 йил 1 январга қадар бўлган даврда озод этилади.
Нашриёт-матбаа фаолиятидан олинган даромадлари ҳисобот (солиқ) даври якунлари бўйича жами даромадининг камида 90 фоизини ташкил этган солиқ тўловчилар мазкур фаолият тури бўйича фойда солиғини тўлашдан (бундан фоизлар тарзидаги даромадлар мустасно) 2025 йил 1 январдан 2029 йил 1 январга қадар бўлган даврда озод этилади.	Нашриёт-матбаа фаолиятидан олинган даромадлари ҳисобот (солиқ) даври якунлари бўйича жами даромадининг камида 90 фоизини ташкил этган солиқ тўловчилар мазкур фаолият тури бўйича фойда солиғини тўлашдан (бундан фоизлар тарзидаги даромадлар мустасно) 2025 йил 1 январдан 2029 йил 1 январга қадар бўлган даврда озод этилади.
Меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 1,5 бараваридан кам бўлмаган ойлик иш ҳақи тўланган ҳолда, камбағал оила аъзоларини ишга қабул қилган тадбиркорлик субъектлари камбағал оила аъзолари бўлган ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлашга доир харажатлари бўйича ижтимоий солиқни 2025 йил 1 январдан 2028 йил 1 январга қадар бўлган даврда 1 фоиз миқдордаги солиқ ставкаси бўйича тўлайди.	Меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 1,5 бараваридан кам бўлмаган ойлик иш ҳақи тўланган ҳолда, камбағал оила аъзоларини ишга қабул қилган тадбиркорлик субъектлари камбағал оила аъзолари бўлган ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлашга доир харажатлари бўйича ижтимоий солиқни 2025 йил 1 январдан 2028 йил 1 январга қадар бўлган даврда 1 фоиз миқдордаги солиқ ставкаси бўйича тўлайди.
2024 йил 1 сентябрдан 2027 йил 1 сентябрга қадар:	2024 йил 1 сентябрдан 2027 йил 1 сентябрга қадар:
касбга ўргатиш учун мактаблар, коллежлар ва	касбга ўргатиш учун мактаблар, коллежлар ва

Старая редакция	Новая редакция
техникумлар ўқувчиларини (ўттиз ёшдан ошмаган) ишга қабул қилган тадбиркорлик субъектлари уларга тўланадиган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлардан ижтимоий солиқни 1 фоиз миқдордаги солиқ ставкаси бўйича тўлайди;	техникумлар ўқувчиларини (ўттиз ёшдан ошмаган) ишга қабул қилган тадбиркорлик субъектлари уларга тўланадиган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлардан ижтимоий солиқни 1 фоиз миқдордаги солиқ ставкаси бўйича тўлайди;
мактаблар, коллежлар ва техникумлар ўқувчилари касб ўрганиш жараёнида тадбиркорлик субъектларидан олинган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлардан жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини 1 фоиз миқдордаги солиқ ставкаси бўйича тўлайди.	мактаблар, коллежлар ва техникумлар ўқувчилари касб ўрганиш жараёнида тадбиркорлик субъектларидан олинган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлардан жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини 1 фоиз миқдордаги солиқ ставкаси бўйича тўлайди.
Магистраль автомобиль йўллари бўйида кўчма савдо объектларини ташкил этган ёшлар (ўттиз ёшдан ошмаган шахслар) фаолиятни амалга ошириш бошланган санадан эътиборан дастлабки олти ой давомида товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган даромадлар бўйича солиқларни тўлашдан 2028 йил 1 январга қадар бўлган даврда озод қилинади.	Магистраль автомобиль йўллари бўйида кўчма савдо объектларини ташкил этган ёшлар (ўттиз ёшдан ошмаган шахслар) фаолиятни амалга ошириш бошланган санадан эътиборан дастлабки олти ой давомида товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган даромадлар бўйича солиқларни тўлашдан 2028 йил 1 январга қадар бўлган даврда озод қилинади.
Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари бўлган юридик шахслар (бундан Ўзбекистон Республикаси билан иккиёқлама солиқ солишнинг олдини олиш тўғрисида битим тузган давлатларнинг	Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари бўлган юридик шахслар (бундан Ўзбекистон Республикаси билан иккиёқлама солиқ солишнинг олдини олиш тўғрисида битим тузган давлатларнинг

Старая редакция	Новая редакция
солиқ резидентлари мустасно) экспорт хизматлари ҳажми календарь йил давомида 10 миллион АҚШ долларидан ошган Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки резидентларига ахборот технологиялари соҳасидаги хизматларни кўрсатишдан олган (шу жумладан роялти тўланадиган) даромадлари қисмида фойда солиғини тўлашдан 2025 йил 1 февралдан 2030 йил 1 январга қадар бўлган даврда озод қилинади.	солиқ резидентлари мустасно) экспорт хизматлари ҳажми календарь йил давомида 10 миллион АҚШ долларидан ошган Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки резидентларига ахборот технологиялари соҳасидаги хизматларни кўрсатишдан олган (шу жумладан роялти тўланадиган) даромадлари қисмида фойда солиғини тўлашдан 2025 йил 1 февралдан 2030 йил 1 январга қадар бўлган даврда озод қилинади.
Жами даромади таркибида экспорт ҳажми 50 фоиздан ортиқ бўлган Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки резидентлари таъсисчиларининг (иштирокчиларининг) — Ўзбекистон Республикаси норезидентлари бўлган жисмоний ва юридик шахсларнинг дивидендлар тарзидаги даромадларига нисбатан 2025 йил 1 февралдан 2040 йил 1 январга қадар бўлган даврда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ҳамда фойда солиғи Ўзбекистон Республикасининг резидентлари учун белгиланган ставкалар бўйича ҳисобланади.	Жами даромади таркибида экспорт ҳажми 50 фоиздан ортиқ бўлган Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки резидентлари таъсисчиларининг (иштирокчиларининг) — Ўзбекистон Республикаси норезидентлари бўлган жисмоний ва юридик шахсларнинг дивидендлар тарзидаги даромадларига нисбатан 2025 йил 1 февралдан 2040 йил 1 январга қадар бўлган даврда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ҳамда фойда солиғи Ўзбекистон Республикасининг резидентлари учун белгиланган ставкалар бўйича ҳисобланади.
Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки резидентлари барча турдаги солиқларни (бундан қўшилган қиймат солиғи	Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки резидентлари барча турдаги солиқларни (бундан қўшилган қиймат солиғи

Старая редакция	Новая редакция
мустасно) тўлашдан 2028 йил 1 январдан 2040 йил 1 январга қадар бўлган даврда озод қилинади.	мустасно) тўлашдан 2028 йил 1 январдан 2040 йил 1 январга қадар бўлган даврда озод қилинади.
Ушбу модданинг олтмиш иккинчи қисмида белгиланган солиқ имтиёзлари қуйидагиларга нисбатан татбиқ этилади:	Ушбу модданинг олтмиш иккинчи қисмида белгиланган солиқ имтиёзлари қуйидагиларга нисбатан татбиқ этилади:
календарь йил давомида жами даромади таркибида Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки резидентлари томонидан амалга оширилиши учун рухсат этилган фаолият турлари бўйича экспорти ҳажми 50 фоиздан ортиқ бўлган юридик шахсларга;	календарь йил давомида жами даромади таркибида Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки резидентлари томонидан амалга оширилиши учун рухсат этилган фаолият турлари бўйича экспорти ҳажми 50 фоиздан ортиқ бўлган юридик шахсларга;
ўн саккиз ёшдан ошган битирувчиларининг 50 фоизи календарь йил давомида Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки резидентлари бўлган экспортчи корхоналарга ишга жойлашган IT-таълим хизматларини кўрсатувчи юридик шахсларга.	ўн саккиз ёшдан ошган битирувчиларининг 50 фоизи календарь йил давомида Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки резидентлари бўлган экспортчи корхоналарга ишга жойлашган IT-таълим хизматларини кўрсатувчи юридик шахсларга.
Нодавлат мактабгача ва умумий ўрта таълим ташкилотлари барча турдаги солиқларни (бундан ижтимоий солиқ мустасно) тўлашдан 2030 йил 1 январга қадар бўлган даврда озод қилинади.	Нодавлат мактабгача ва умумий ўрта таълим ташкилотлари барча турдаги солиқларни (бундан ижтимоий солиқ мустасно) тўлашдан 2030 йил 1 январга қадар бўлган даврда озод қилинади.
Ушбу модданинг олтмиш тўртинчи қисмида назарда тутилган имтиёзлар натижасида бўшайдиган	Ушбу модданинг олтмиш тўртинчи қисмида назарда тутилган имтиёзлар натижасида бўшайдиган

Старая редакция	Новая редакция
маблағлардан нодавлат мактабгача ва умумий ўрта таълим ташкилотларини замонавий ўқув қўлланмалари билан жиҳозлаш, зарур товарлар ва асбоб-ускуналарни сотиб олиш, бинолар ва иншоотларни реконструкция қилиш ҳамда капитал таъмирлаш, шунингдек аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига бепул таълим хизматларини кўрсатиш учун мақсадли тарзда фойдаланилади.	маблағлардан нодавлат мактабгача ва умумий ўрта таълим ташкилотларини замонавий ўқув қўлланмалари билан жиҳозлаш, зарур товарлар ва асбоб-ускуналарни сотиб олиш, бинолар ва иншоотларни реконструкция қилиш ҳамда капитал таъмирлаш, шунингдек аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига бепул таълим хизматларини кўрсатиш учун мақсадли тарзда фойдаланилади.
Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган, белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатлар бўйича нодавлат мактабгача ва умумий ўрта таълим ташкилотларини жиҳозлаш ҳамда уларнинг фаолиятини таъминлаш учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган, замонавий ўқув ва лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникаси, дастурий маҳсулотлар, ўқув ва илмий-услубий адабиётлар, анжомлар ва моддий-техника ресурслари қўшилган қиймат солиғидан 2030 йил 1 январга қадар бўлган даврда озод қилинади.	Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган, белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатлар бўйича нодавлат мактабгача ва умумий ўрта таълим ташкилотларини жиҳозлаш ҳамда уларнинг фаолиятини таъминлаш учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган, замонавий ўқув ва лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникаси, дастурий маҳсулотлар, ўқув ва илмий-услубий адабиётлар, анжомлар ва моддий-техника ресурслари қўшилган қиймат солиғидан 2030 йил 1 январга қадар бўлган даврда озод қилинади.
Нодавлат мактабгача ва умумий ўрта таълим ташкилотларида меҳнат фаолиятини амалга оширувчи чет эл ўқитувчилари ва мутахассислари жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини тўлашдан	Нодавлат мактабгача ва умумий ўрта таълим ташкилотларида меҳнат фаолиятини амалга оширувчи чет эл ўқитувчилари ва мутахассислари жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини тўлашдан

Старая редакция	Новая редакция
2030 йил 1 январга қадар бўлган даврда озод қилинади.	2030 йил 1 январга қадар бўлган даврда озод қилинади.
Чет эл ўқитувчилари ва мутахассисларини ишга қабул қилган нодавлат мактабгача ва умумий ўрта таълим ташкилотлари чет эл ўқитувчилари ва мутахассислари бўлган ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашга доир харажатлари бўйича ижтимоий солиқни тўлашдан 2030 йил 1 январга қадар бўлган даврда озод қилинади.	Чет эл ўқитувчилари ва мутахассисларини ишга қабул қилган нодавлат мактабгача ва умумий ўрта таълим ташкилотлари чет эл ўқитувчилари ва мутахассислари бўлган ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашга доир харажатлари бўйича ижтимоий солиқни тўлашдан 2030 йил 1 январга қадар бўлган даврда озод қилинади.
Рақамли маркировкали маҳсулотларнинг чакана савдосини амалга оширувчи тадбиркорлик субъектларига ҳисобланган ва тўланиши лозим бўлган фойда солиғи ёки айланмадан олинадиган солиқ ёхуд якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи суммаларини тадбиркорлик субъектлари учун маркировкани ўқиш қурилмаларини сотиб олиш билан боғлиқ харажатлар суммасига, бироқ битта қурилма учун базавий ҳисоблаш миқдорининг тўрт бараваридан кўп бўлмаган миқдорда камайтириш ҳуқуқи 2027 йил 1 январга қадар бўлган давр учун берилади.	Рақамли маркировкали маҳсулотларнинг чакана савдосини амалга оширувчи тадбиркорлик субъектларига ҳисобланган ва тўланиши лозим бўлган фойда солиғи ёки айланмадан олинадиган солиқ ёхуд якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи суммаларини тадбиркорлик субъектлари учун маркировкани ўқиш қурилмаларини сотиб олиш билан боғлиқ харажатлар суммасига, бироқ битта қурилма учун базавий ҳисоблаш миқдорининг тўрт бараваридан кўп бўлмаган миқдорда камайтириш ҳуқуқи 2027 йил 1 январга қадар бўлган давр учун берилади.
Паррандачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи тадбиркорлик субъектлари юридик шахслардан олинадиган ер солиғини (бундан экин майдонлари мустасно) тўлашдан 2030 йил 1 январга қадар озод	Паррандачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи тадбиркорлик субъектлари юридик шахслардан олинадиган ер солиғини (бундан экин майдонлари мустасно) тўлашдан 2030 йил 1 январга қадар озод

Старая редакция	Новая редакция
этилади.	этилади.
Ушбу модданинг етмишинчи қисмида белгиланган солиқ имтиёзлари паррандачилик маҳсулотларини реализация қилишни амалга оширмаган тадбиркорлик субъектларига ва (ёки) белгиланган мақсадда фойдаланилмаётган ер участкаларига нисбатан татбиқ этилмайди.	Ушбу модданинг етмишинчи қисмида белгиланган солиқ имтиёзлари паррандачилик маҳсулотларини реализация қилишни амалга оширмаган тадбиркорлик субъектларига ва (ёки) белгиланган мақсадда фойдаланилмаётган ер участкаларига нисбатан татбиқ этилмайди.
Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги стационар болалар соғломлаштириш оромгоҳлари:	Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги стационар болалар соғломлаштириш оромгоҳлари:
бинолар ва иншоотларни, ер участкаларини ижарага беришдан олинган даромадлари бўйича — фойда солиғини;	бинолар ва иншоотларни, ер участкаларини ижарага беришдан олинган даромадлари бўйича — фойда солиғини;
ижарага берилган объектлар ва улар эгаллаган ер участкалари бўйича — юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ва юридик шахслардан олинадиган ер солиғини тўлашдан 2027 йил 1 январга қадар бўлган даврда озод этилади.	ижарага берилган объектлар ва улар эгаллаган ер участкалари бўйича — юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ва юридик шахслардан олинадиган ер солиғини тўлашдан 2027 йил 1 январга қадар бўлган даврда озод этилади.
Жиззах вилоятининг Шароф Рашидов ва Тошкент вилоятининг Оҳангарон туманларида ташкил этилган чарм-пойабзал саноат зоналарини бошқариш дирекциялари ҳамда ушбу саноат зоналарида ташкил	Жиззах вилоятининг Шароф Рашидов ва Тошкент вилоятининг Оҳангарон туманларида ташкил этилган чарм-пойабзал саноат зоналарини бошқариш дирекциялари ҳамда ушбу саноат зоналарида ташкил

Старая редакция	Новая редакция
этилган корхоналар юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни, юридик шахслардан олинадиган ер солиғини ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўлашдан 2025 йил 1 январдан эътиборан 2026 йил 1 январга қадар бўлган даврда озод этилади.	этилган корхоналар юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни, юридик шахслардан олинадиган ер солиғини ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўлашдан 2025 йил 1 январдан эътиборан 2026 йил 1 январга қадар бўлган даврда озод этилади.
2025 йил 1 январдан 2028 йил 1 январга қадар бўлган даврда тикув-трикотаж, пойабзал ва чарм-атторлик саноати йўналишларида ишлаб чиқариш фаолиятини юритаётган тадбиркорлик субъектлари фойда солиғини 2 фоиз ва ижтимоий солиқни 1 фоиз миқдордаги солиқ ставкалари бўйича тўлайди.	2025 йил 1 январдан 2028 йил 1 январга қадар бўлган даврда тикув-трикотаж, пойабзал ва чарм-атторлик саноати йўналишларида ишлаб чиқариш фаолиятини юритаётган тадбиркорлик субъектлари фойда солиғини 2 фоиз ва ижтимоий солиқни 1 фоиз миқдордаги солиқ ставкалари бўйича тўлайди.
Ушбу модданинг етмиш тўртинчи қисмида белгиланган солиқ имтиёзлари қуйидаги барча шартларга бир вақтнинг ўзида жавоб берадиган тадбиркорлик субъектларига нисбатан татбиқ этилади:	Ушбу модданинг етмиш тўртинчи қисмида белгиланган солиқ имтиёзлари қуйидаги барча шартларга бир вақтнинг ўзида жавоб берадиган тадбиркорлик субъектларига нисбатан татбиқ этилади:
ҳар ойда ходимларга ўртача иш ҳақи миқдори меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг икки бараваридан кам бўлмаган миқдорда ҳисобланганда;	ҳар ойда ходимларга ўртача иш ҳақи миқдори меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг икки бараваридан кам бўлмаган миқдорда ҳисобланганда;
ҳисобот даврида тўқув (трикотаж мато, ип-газлама ва пайпоқ маҳсулотлари), тикув-трикотаж, пойабзал ёки чарм-атторлик маҳсулотларини реализация қилишдан тушган ҳамда шартномага мувофиқ қайта ишлаш шарти билан берилган хом ашёни қайта ишлаш	ҳисобот даврида тўқув (трикотаж мато, ип-газлама ва пайпоқ маҳсулотлари), тикув-трикотаж, пойабзал ёки чарм-атторлик маҳсулотларини реализация қилишдан тушган ҳамда шартномага мувофиқ қайта ишлаш

Старая редакция	Новая редакция
юзасидан кўрсатилган хизматлар бўйича олинган даромаднинг умумий тушуми жами товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган даромаднинг камида 70 фоизини ташкил этганда.	юзасидан кўрсатилган хизматлар бўйича олинган даромаднинг умумий тушуми жами товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган даромаднинг камида 70 фоизини ташкил этганда.
Ушбу модданинг етмиш бешинчи қисмида назарда тутилган шартлар тегишли чоракнинг ҳар бир ойида бажарилган тақдирда, солиқ имтиёзлари ушбу чорак учун қўлланилади.	Ушбу модданинг етмиш бешинчи қисмида назарда тутилган шартлар тегишли чоракнинг ҳар бир ойида бажарилган тақдирда, солиқ имтиёзлари ушбу чорак учун қўлланилади.
Ушбу модданинг етмиш бешинчи қисмида назарда тутилган барча шартларга бир вақтнинг ўзида жавоб берадиган тадбиркорлик субъектлари солиқ органлари томонидан инсон омилисиз автоматик тарзда ҳисобот чораги якунлари бўйича кейинги ойнинг 25-санасига қадар аниқланади.	Ушбу модданинг етмиш бешинчи қисмида назарда тутилган барча шартларга бир вақтнинг ўзида жавоб берадиган тадбиркорлик субъектлари солиқ органлари томонидан инсон омилисиз автоматик тарзда ҳисобот чораги якунлари бўйича кейинги ойнинг 25-санасига қадар аниқланади.
Ушбу модданинг етмиш тўртинчи қисмида белгиланган солиқ имтиёзларидан тадбиркорлик субъектлари томонидан фойдаланилганидан кейин солиқ ҳисоботларини қайта тақдим этиш орқали белгиланган шартларга риоя этмаганлик ҳолати аниқланганда солиқ имтиёзи бекор қилиниб, солиқлар пеня ҳисобланган ҳолда ҳисоблаб чиқарилади ва бюджетга ундирилади.	Ушбу модданинг етмиш тўртинчи қисмида белгиланган солиқ имтиёзларидан тадбиркорлик субъектлари томонидан фойдаланилганидан кейин солиқ ҳисоботларини қайта тақдим этиш орқали белгиланган шартларга риоя этмаганлик ҳолати аниқланганда солиқ имтиёзи бекор қилиниб, солиқлар пеня ҳисобланган ҳолда ҳисоблаб чиқарилади ва бюджетга ундирилади.
Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан	Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан

Старая редакция	Новая редакция
тасдиқланган рўйхат бўйича ташаббускорлар янги боғларни барпо этишда хорижий давлатлардан (қўшни давлатлардан ташқари) пайвандтагли мевали кўчатларни ва пайвандтагларни, пайвандустларини, оналик материалларини ва техника воситаларини олиб киришда қўшилган қиймат солиғидан 2025 йил 1 январдан 2028 йил 1 январга қадар бўлган даврда озод этилади.	тасдиқланган рўйхат бўйича ташаббускорлар янги боғларни барпо этишда хорижий давлатлардан (қўшни давлатлардан ташқари) пайвандтагли мевали кўчатларни ва пайвандтагларни, пайвандустларини, оналик материалларини ва техника воситаларини олиб киришда қўшилган қиймат солиғидан 2025 йил 1 январдан 2028 йил 1 январга қадар бўлган даврда озод этилади.
Ушбу Кодекс 2893-моддаси биринчи қисмининг 2-бандида белгиланган полиэтилен гранулаларни фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар томонидан ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш 2025 йил 1 январдан 2028 йил 1 январга қадар акциз солиғидан озод қилинади.	Ушбу Кодекс 2893-моддаси биринчи қисмининг 2-бандида белгиланган полиэтилен гранулаларни фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар томонидан ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш 2025 йил 1 январдан 2028 йил 1 январга қадар акциз солиғидан озод қилинади.
Ўзбекистон Республикасининг резидентлари ва норезидентлари бўлган юридик шахсларнинг ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотлари ҳамда улар қошидаги махсус ваколатли ташкилотлар томонидан эмиссия қилинган облигациялар бўйича даромадлари 2030 йил 1 январга қадар фойда солиғидан озод қилинади.	Ўзбекистон Республикасининг резидентлари ва норезидентлари бўлган юридик шахсларнинг ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотлари ҳамда улар қошидаги махсус ваколатли ташкилотлар томонидан эмиссия қилинган облигациялар бўйича даромадлари 2030 йил 1 январга қадар фойда солиғидан озод қилинади.
Ушбу модданинг саксон биринчи қисмида назарда тутилган имтиёз мазкур облигациялар	Ушбу модданинг саксон биринчи қисмида назарда тутилган имтиёз мазкур облигациялар

Старая редакция	Новая редакция
муомалада бўлган даврда ҳисобланган фоизлар тарзидаги даромадларга нисбатан татбиқ этилади.	муомалада бўлган даврда ҳисобланган фоизлар тарзидаги даромадларга нисбатан татбиқ этилади.
2025 йил 1 майдан бошлаб «Янги Ўзбекистон» массивларини барпо этиш доирасида аукцион савдоларида ер участкасини кўп квартирали уй-жой қуриш учун ижарага олган юридик шахслар ер участкаси ижарага олинган пайтдан эътиборан ушбу ер участкаси бўйича ер солиғини тўлашдан 12 ой давомида озод қилинади. Бунда, агар кўп квартирали уй-жой белгиланган муддатда қурилиб, фойдаланишга топширилмаса, имтиёздан фойдаланилган давр учун ер солиғи 2 баравар миқдорда ундирилади.	2025 йил 1 майдан бошлаб «Янги Ўзбекистон» массивларини барпо этиш доирасида аукцион савдоларида ер участкасини кўп квартирали уй-жой қуриш учун ижарага олган юридик шахслар ер участкаси ижарага олинган пайтдан эътиборан ушбу ер участкаси бўйича ер солиғини тўлашдан 12 ой давомида озод қилинади. Бунда, агар кўп квартирали уй-жой белгиланган муддатда қурилиб, фойдаланишга топширилмаса, имтиёздан фойдаланилган давр учун ер солиғи 2 баравар миқдорда ундирилади.
Янги ташкил этиладиган қишлоқ хўжалиги ва доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш кооперативлари учун ижтимоий солиқ ҳамда уларга ишга қабул қилинган ходимлар учун жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи 2025 йил 1 апрелдан 2028 йил 1 январга қадар бўлган даврда 1 фоиз миқдордаги солиқ ставкаси бўйича тўланади.	Янги ташкил этиладиган қишлоқ хўжалиги ва доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш кооперативлари учун ижтимоий солиқ ҳамда уларга ишга қабул қилинган ходимлар учун жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи 2025 йил 1 апрелдан 2028 йил 1 январга қадар бўлган даврда 1 фоиз миқдордаги солиқ ставкаси бўйича тўланади.
Креатив паркнинг резидентлари 2025 йил 1 майдан 2031 йил 1 январга қадар:	Креатив паркнинг резидентлари 2025 йил 1 майдан 2031 йил 1 январга қадар:
ходимларининг меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлари бўйича жисмоний шахслардан олинадиган	ходимларининг меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлари бўйича жисмоний шахслардан олинадиган

Старая редакция	Новая редакция
даромад солиғини ҳамда ижтимоий солиқни белгиланган солиқ ставкаларига нисбатан 50 фоиз камайтирилган солиқ ставкалари бўйича тўлайди;	даромад солиғини ҳамда ижтимоий солиқни белгиланган солиқ ставкаларига нисбатан 50 фоиз камайтирилган солиқ ставкалари бўйича тўлайди;
товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган даромади миқдоридан қатъи назар, айланмадан олинадиган солиқни тўловчилар ҳисобланади.	товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган даромади миқдоридан қатъи назар, айланмадан олинадиган солиқни тўловчилар ҳисобланади.
Мева-сабзавот маҳсулотларини замонавий қадоқларда реализация қилувчи қуйидаги барча шартларга бир вақтнинг ўзида жавоб берадиган тадбиркорлик субъектлари 2025 йил 1 майдан 2028 йил 1 январга қадар фойда солиғини ва ижтимоий солиқни 1 фоиз миқдордаги солиқ ставкалари бўйича тўлайди:	Мева-сабзавот маҳсулотларини замонавий қадоқларда реализация қилувчи қуйидаги барча шартларга бир вақтнинг ўзида жавоб берадиган тадбиркорлик субъектлари 2025 йил 1 майдан 2028 йил 1 январга қадар фойда солиғини ва ижтимоий солиқни 1 фоиз миқдордаги солиқ ставкалари бўйича тўлайди:
ҳар ойда ҳар бир ходимга иш ҳақи миқдори меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг икки бараваридан кам бўлмаган миқдорда ҳисобланганда;	ҳар ойда ҳар бир ходимга иш ҳақи миқдори меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг икки бараваридан кам бўлмаган миқдорда ҳисобланганда;
ҳисобот (солиқ) даври якунлари бўйича жами даромадининг умумий ҳажмида замонавий қадоқланган мева-сабзавот маҳсулотларини реализация қилишдан олинган даромад улуши 50 фоиздан кам бўлмаган солиқ тўловчиларга. Бунда мазкур даромадлар улуши тегишли ваколатли давлат органининг фитосанитария сертификати ва божхона юк декларацияси асосида	ҳисобот (солиқ) даври якунлари бўйича жами даромадининг умумий ҳажмида замонавий қадоқланган мева-сабзавот маҳсулотларини реализация қилишдан олинган даромад улуши 50 фоиздан кам бўлмаган солиқ тўловчиларга. Бунда мазкур даромадлар улуши тегишли ваколатли давлат органининг фитосанитария сертификати ва божхона юк декларацияси асосида

Старая редакция	Новая редакция
аниқланади.	аниқланади.
2025 йил 1 июлдан 2030 йил 1 январга қадар бўлган даврда:	2025 йил 1 июлдан 2030 йил 1 январга қадар бўлган даврда:
болалар учун мўлжалланган контентлар яратишдан олган даромади жами йиллик даромадининг камида 80 фоизини ташкил этган юридик шахслар, шунингдек Болалар контентини ривожлантириш маркази шундай контентларни реализация қилишдан олган даромадлари бўйича фойда солиғини тўлашдан озод қилинади ва ижтимоий солиқни 1 фоиз миқдордаги солиқ ставкаси бўйича тўлайди;	болалар учун мўлжалланган контентлар яратишдан олган даромади жами йиллик даромадининг камида 80 фоизини ташкил этган юридик шахслар, шунингдек Болалар контентини ривожлантириш маркази шундай контентларни реализация қилишдан олган даромадлари бўйича фойда солиғини тўлашдан озод қилинади ва ижтимоий солиқни 1 фоиз миқдордаги солиқ ставкаси бўйича тўлайди;
юридик шахсларга болалар учун мўлжалланган контентлар яратиш билан боғлиқ бўлган харажатларини фойда солиғини ҳисоблашда чегириб ташлаш ҳуқуқи берилади.	юридик шахсларга болалар учун мўлжалланган контентлар яратиш билан боғлиқ бўлган харажатларини фойда солиғини ҳисоблашда чегириб ташлаш ҳуқуқи берилади.
Пахта-тўқимачилик кластерлари, тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати корхоналари 2025 йил 1 сентябрдан 2028 йил 1 сентябрга қадар бўлган даврда ижтимоий солиқни 1 фоиз миқдордаги солиқ ставкаси бўйича тўлайди.	Пахта-тўқимачилик кластерлари, тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати корхоналари 2025 йил 1 сентябрдан 2028 йил 1 сентябрга қадар бўлган даврда ижтимоий солиқни 1 фоиз миқдордаги солиқ ставкаси бўйича тўлайди.
Ушбу Кодекс 2893-модда биринчи қисмининг 2-бандида назарда тутилган полиэтилен гранулалари	Ушбу Кодекс 2893-модда биринчи қисмининг 2-бандида назарда тутилган полиэтилен гранулалари

Старая редакция	Новая редакция
Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган ва белгиланган тартибда аниқ техник параметрлар асосида шакллантириладиган рўйхат бўйича олиб кирилганда, 2025 йил 1 сентябрдан 2028 йил 1 январга қадар акциз солиғидан озод қилинади.	Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган ва белгиланган тартибда аниқ техник параметрлар асосида шакллантириладиган рўйхат бўйича олиб кирилганда, 2025 йил 1 сентябрдан 2028 йил 1 январга қадар акциз солиғидан озод қилинади.
Илк марта айланмадан олинадиган солиқни тўлашдан қўшилган қиймат солиғини ва фойда солиғини тўлашга ўтган тадбиркорлик субъектларига бюджетга тўланадиган қўшилган қиймат солиғи ёки мол-мулк солиғи суммасини 2026 йил 1 январдан 2030 йил 1 январга қадар олти ой давомида бухгалтерия ҳисобини юритиш билан боғлиқ харажатлар суммасига, бироқ ҳар ойда меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 3,5 бараваридан ошмаган миқдорда камайтириш ҳуқуқи берилади.	Илк марта айланмадан олинадиган солиқни тўлашдан қўшилган қиймат солиғини ва фойда солиғини тўлашга ўтган тадбиркорлик субъектларига бюджетга тўланадиган қўшилган қиймат солиғи ёки мол-мулк солиғи суммасини 2026 йил 1 январдан 2030 йил 1 январга қадар олти ой давомида бухгалтерия ҳисобини юритиш билан боғлиқ харажатлар суммасига, бироқ ҳар ойда меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 3,5 бараваридан ошмаган миқдорда камайтириш ҳуқуқи берилади.
Ушбу модданинг тўқсонинчи қисмида белгиланган тартиб тадбиркорлик субъекти бухгалтерияни ташкил этиш учун бухгалтер билан тузилган меҳнат шартномаси ёки бухгалтерия хизматлари кўрсатиш бўйича аутсорсинг шартномаси асосида қўлланилади, бундан тадбиркорлик субъектининг раҳбари бухгалтерия ҳисобини юритиш вазифасини ўз зиммасига олган ҳоллар мустасно.	Ушбу модданинг тўқсонинчи қисмида белгиланган тартиб тадбиркорлик субъекти бухгалтерияни ташкил этиш учун бухгалтер билан тузилган меҳнат шартномаси ёки бухгалтерия хизматлари кўрсатиш бўйича аутсорсинг шартномаси асосида қўлланилади, бундан тадбиркорлик субъектининг раҳбари бухгалтерия ҳисобини юритиш вазифасини ўз зиммасига олган ҳоллар мустасно.

Старая редакция	Новая редакция
Заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчилар 2028 йил 1 январга қадар қўшилган қиймат солиғи базасини заргарлик буюмларини ва ярим тайёр маҳсулотларни реализация қилиш нархи ҳамда уларнинг таркибидаги қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлар нархи ўртасидаги ижобий фарқдан келиб чиққан ҳолда аниқлайди.	Заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчилар 2028 йил 1 январга қадар қўшилган қиймат солиғи базасини заргарлик буюмларини ва ярим тайёр маҳсулотларни реализация қилиш нархи ҳамда уларнинг таркибидаги қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлар нархи ўртасидаги ижобий фарқдан келиб чиққан ҳолда аниқлайди.
Ушбу Кодекс 246-моддасининг 6-бандига мувофиқ олиб кирилган, мебель саноатида фойдаланиладиган технологик асбоб-ускуналар дистрибьюторлар томонидан маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга реализация қилинган тақдирда, 2030 йил 1 январга қадар қўшилган қиймат солиғи базаси мазкур асбоб-ускуналарни сотиб олиш нархи ва реализация қилиш нархи ўртасидаги ижобий фарқдан келиб чиққан ҳолда аниқланади.	Ушбу Кодекс 246-моддасининг 6-бандига мувофиқ олиб кирилган, мебель саноатида фойдаланиладиган технологик асбоб-ускуналар дистрибьюторлар томонидан маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга реализация қилинган тақдирда, 2030 йил 1 январга қадар қўшилган қиймат солиғи базаси мазкур асбоб-ускуналарни сотиб олиш нархи ва реализация қилиш нархи ўртасидаги ижобий фарқдан келиб чиққан ҳолда аниқланади.
2028 йил 1 январгача бўлган даврда:	2028 йил 1 январгача бўлган даврда:
автотранспорт воситаларини электр энергияси билан қувватлантириш станциялари, шунингдек бундай объектлар билан банд бўлган ер участкалари учун юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ва юридик шахслардан олинадиган ер солиғи ушбу солиқлардан ҳисобланган сумманинг 1 фоизи миқдорида	автотранспорт воситаларини электр энергияси билан қувватлантириш станциялари, шунингдек бундай объектлар билан банд бўлган ер участкалари учун юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ва юридик шахслардан олинадиган ер солиғи ушбу солиқлардан ҳисобланган сумманинг 1 фоизи миқдорида

Старая редакция	Новая редакция
тўланади; солиқ тўловчилар автотранспорт воситаларини электр энергияси билан қувватлантириш бўйича хизматлар кўрсатишдан олган даромадлар ҳисобот (солиқ) даври якунлари бўйича жами даромаднинг камида 50 фоизини ташкил этган тақдирда, улар шундай хизматлар кўрсатишдан олинган даромад бўйича фойда солиғини тўлашдан озод этилади; автотранспорт воситаларини электр энергияси билан қувватлантириш бўйича хизматлар кўрсатишдан олинган даромад айланмадан олинадиган солиқ бўйича солиқ базасидан чегириб ташланади. Ўзбекистон Республикаси миллий инвестиция жамғармасининг дивидендлар тарзидаги даромадлари 2030 йил 1 январга қадар фойда солиғидан озод қилинади. Миллий фильм ва сериаллар ишлаб чиқариб, уларни реализация қилишдан олинган даромади жами йиллик даромадининг камида 80 фоизини ташкил этган юридик шахслар шундай миллий фильм ва сериалларни реализация қилишдан олган даромадлари бўйича 2026 йил 1 январдан 2030 йил 1 январга қадар бўлган даврда фойда солиғини тўлашдан озод қилинади ва ижтимоий	тўланади; солиқ тўловчилар автотранспорт воситаларини электр энергияси билан қувватлантириш бўйича хизматлар кўрсатишдан олган даромадлар ҳисобот (солиқ) даври якунлари бўйича жами даромаднинг камида 50 фоизини ташкил этган тақдирда, улар шундай хизматлар кўрсатишдан олинган даромад бўйича фойда солиғини тўлашдан озод этилади; автотранспорт воситаларини электр энергияси билан қувватлантириш бўйича хизматлар кўрсатишдан олинган даромад айланмадан олинадиган солиқ бўйича солиқ базасидан чегириб ташланади. Ўзбекистон Республикаси миллий инвестиция жамғармасининг дивидендлар тарзидаги даромадлари 2030 йил 1 январга қадар фойда солиғидан озод қилинади. Миллий фильм ва сериаллар ишлаб чиқариб, уларни реализация қилишдан олинган даромади жами йиллик даромадининг камида 80 фоизини ташкил этган юридик шахслар шундай миллий фильм ва сериалларни реализация қилишдан олган даромадлари бўйича 2026 йил 1 январдан 2030 йил 1 январга қадар бўлган даврда фойда солиғини тўлашдан озод қилинади ва ижтимоий

Старая редакция	Новая редакция
солиқни 1 фоиз миқдордаги солиқ ставкаси бўйича тўлайди.	солиқни 1 фоиз миқдордаги солиқ ставкаси бўйича тўлайди.
Ўз эҳтиёжи учун гипс хомашёсини қазиб чиқарувчи ва ундан тайёр қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналарга нисбатан гипс хомашёсини қазиб олганлик учун белгиланган ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ставкаси 2026 йил 1 январдан 2028 йил 1 январга қадар 50 фоиз миқдорда қўлланилади.	Ўз эҳтиёжи учун гипс хомашёсини қазиб чиқарувчи ва ундан тайёр қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналарга нисбатан гипс хомашёсини қазиб олганлик учун белгиланган ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ставкаси 2026 йил 1 январдан 2028 йил 1 январга қадар 50 фоиз миқдорда қўлланилади.
Иссиқхона фаолиятидан олган даромадлари жорий ҳисобот (солиқ) даври якунлари бўйича жами даромадининг камида 60 фоизини ташкил этган иссиқхона хўжаликлари ижтимоий солиқни 2026 йил 1 январдан 2029 йил 1 январга қадар бўлган даврда 1 фоиз миқдордаги солиқ ставкаси бўйича тўлайди.	Иссиқхона фаолиятидан олган даромадлари жорий ҳисобот (солиқ) даври якунлари бўйича жами даромадининг камида 60 фоизини ташкил этган иссиқхона хўжаликлари ижтимоий солиқни 2026 йил 1 январдан 2029 йил 1 январга қадар бўлган даврда 1 фоиз миқдордаги солиқ ставкаси бўйича тўлайди.
Ишчиларининг ўртача иш ҳақи миқдори ҳар ойда меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг икки бараваридан кам бўлмаган маҳаллий саноат корхоналарининг ишчиларни ташиш ва овқатлантириш билан боғлиқ харажатларидан ҳар бир ходим учун бир ойда бир базавий ҳисоблаш миқдоригача бўлган қисми 2026 йил 1 январдан 2028 йил 1 январга қадар ижтимоий солиқ базасидан камайтирилади.	Ишчиларининг ўртача иш ҳақи миқдори ҳар ойда меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг икки бараваридан кам бўлмаган маҳаллий саноат корхоналарининг ишчиларни ташиш ва овқатлантириш билан боғлиқ харажатларидан ҳар бир ходим учун бир ойда бир базавий ҳисоблаш миқдоригача бўлган қисми 2026 йил 1 январдан 2028 йил 1 январга қадар ижтимоий солиқ базасидан камайтирилади.

Старая редакция	Новая редакция
Ушбу модданинг тўқсон тўққизинчи қисмида белгиланган солиқ имтиёзи қуйидагиларга нисбатан татбиқ этилади:	Ушбу модданинг тўқсон тўққизинчи қисмида белгиланган солиқ имтиёзи қуйидагиларга нисбатан татбиқ этилади:
ипакчилик, озиқ-овқат, қурилиш материаллари, электротехника, фармацевтика, мебелчилик, кимё, парфюмерия, косметика, автомобиль, металлургия саноати корхоналарига;	ипакчилик, озиқ-овқат, қурилиш материаллари, электротехника, фармацевтика, мебелчилик, кимё, парфюмерия, косметика, автомобиль, металлургия саноати корхоналарига;
ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотини реализация қилишдан олган даромадлари жорий ҳисобот (солиқ) даври якунлари бўйича олган жами даромадининг 60 фоизидан кўп бўлган солиқ тўловчиларга.	ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотини реализация қилишдан олган даромадлари жорий ҳисобот (солиқ) даври якунлари бўйича олган жами даромадининг 60 фоизидан кўп бўлган солиқ тўловчиларга.
2028 йил 1 январга қадар:	2028 йил 1 январга қадар:
иссиқхона хўжаликлари томонидан кредит мажбуриятлари бажарилмаганлиги сабабли тижорат банклари балансига ўтган иссиқхоналар ва улар билан боғлиқ гаров таъминотида бўлган кўчмас мулк объектларини тижорат банклари томонидан реализация қилиш бўйича айланмалар қўшилган қиймат солиғини тўлашдан;	иссиқхона хўжаликлари томонидан кредит мажбуриятлари бажарилмаганлиги сабабли тижорат банклари балансига ўтган иссиқхоналар ва улар билан боғлиқ гаров таъминотида бўлган кўчмас мулк объектларини тижорат банклари томонидан реализация қилиш бўйича айланмалар қўшилган қиймат солиғини тўлашдан;
тижорат банклари иссиқхона хўжаликларининг кредит мажбуриятлари бажарилмаганлиги сабабли ўз балансига қабул қилган иссиқхоналар ва улар билан	тижорат банклари иссиқхона хўжаликларининг кредит мажбуриятлари бажарилмаганлиги сабабли ўз балансига қабул қилган иссиқхоналар ва улар билан

Старая редакция	Новая редакция
боғлиқ бўлган гаров таъминотидаги кўчмас мулк объектлари бўйича ер солиғини тўлашдан озод этилади.	боғлиқ бўлган гаров таъминотидаги кўчмас мулк объектлари бўйича ер солиғини тўлашдан озод этилади.
2026 йил 1 январдан 2031 йил 1 январга қадар бўлган даврда ўрта ва паст орбитали йўлдош алоқа тармоқларини Ўзбекистон ҳудудида марказий ер станцияси орқали ташкил этиш билан боғлиқ бўлган лойиҳалар доирасида:	2026 йил 1 январдан 2031 йил 1 январга қадар бўлган даврда ўрта ва паст орбитали йўлдош алоқа тармоқларини Ўзбекистон ҳудудида марказий ер станцияси орқали ташкил этиш билан боғлиқ бўлган лойиҳалар доирасида:
қурилмаларни, дастурий маҳсулотларни, эҳтиёт қисмларини ва бутловчи қисмларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш қўшилган қиймат солиғидан;	қурилмаларни, дастурий маҳсулотларни, эҳтиёт қисмларини ва бутловчи қисмларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш қўшилган қиймат солиғидан;
йўлдош алоқа тизими орқали кўрсатилган йўлдош алоқа тармоқлари операторларининг хизматлар кўрсатиш бўйича айланмаси қўшилган қиймат солиғидан;	йўлдош алоқа тизими орқали кўрсатилган йўлдош алоқа тармоқлари операторларининг хизматлар кўрсатиш бўйича айланмаси қўшилган қиймат солиғидан;
марказий ер станциялари, терминаллар ва йўлдош алоқа инфратузилмасининг бошқа актив қурилмалари жойлаштирилган телекоммуникация иншоотлари ва уларнинг ер майдонлари юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқдан ҳамда юридик шахслардан олинадиган ер солиғидан;	марказий ер станциялари, терминаллар ва йўлдош алоқа инфратузилмасининг бошқа актив қурилмалари жойлаштирилган телекоммуникация иншоотлари ва уларнинг ер майдонлари юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқдан ҳамда юридик шахслардан олинадиган ер солиғидан;
йўлдош алоқа тармоқлари операторларининг яратилган йўлдош алоқа тизими орқали хизматлар	йўлдош алоқа тармоқлари операторларининг яратилган йўлдош алоқа тизими орқали хизматлар

Старая редакция	Новая редакция
кўрсатишдан олинган фойдаси фойда солиғидан озод этилади.	кўрсатишдан олинган фойдаси фойда солиғидан озод этилади.